БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 134 (625)

10 ИЮЛЬ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

СССР ҳукумати вакиллари билан шаҳзода Нородом Сианук ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида

ҚЎШМА АХБОРОТ

Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Король Ҳазратлари шаҳзода Нородом Сианук Камбоджа Короли Ҳазрат Олийларининг ва Камбоджа халқининг Олий Вакили сифатида Совет Иттифоқига расмий визит билан келди.

Шаҳзода ва Камбоджа делегациясининг асосий аъзолари—Бош Министр Ким Тит, Король Олий Кенгашининг аъзолари Ланг Нгет ва Сан Сари Совет Иттифоқида бўлган вақтларида СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов билан ва СССР Олий Совети Президиуми Аъзоси Н. С. Хрушчев билан суҳбатлашдилар. Шунингдек СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов билан музокаралар олиб борилди. Бу музокаралар вақтида СССР Ташқи ишлар министрлиги Коллегия аъзолари Л. Ф. Ильичев ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқий-Жанубий Осиё Бўлими Мудири Б. М. Волков ҳозир бўлдилар.

Дўстона ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган бу музокаралар ва суҳбатлар вақтида иккала Томоннинг бу музокара ва суҳбатларда қатнашган вакиллари СССР билан Камбоджа ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан, шунингдек иккала конференциясида эътироф қилинган беш принципга, чунончи:

— ҳар қайси давлатнинг территориал бутунлигини ва суверенитетини ҳурмат қилиш;

— ҳужум қилишмаслик;

— ички ишларга аралашмаслик;

— тенглик ва ўзаро манфаатдорлик;

— тинч-тотув яшаш принципларига асосланмоқда ва бундан буён ҳам шу принципларга асосланади.

Совет Иттифоқи вакиллари билан Камбоджа вакиллари аминдирларки, ҳозирдаёқ халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам берган бу принципларни ҳамманинг эътироф қилиши бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлайди. Совет Иттифоқи Ҳукумати билан Камбоджа Ҳукумати дўстликни ва тинчликни янада мустаҳкамлаш соҳасидаги ишни давом эттириши истаб элчилар рангида бир-бирларига дипломатия вакиллари юборишга қарор қилдилар.

Иккала делегация Совет Иттифоқи билан Камбоджа ўртасида иқтисодий ва маданий муносабатлар соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлларини қараб чиқдилар. Улар иккала мамлакат ўртасидаги ана шундай ҳамкорликнинг формаларини муҳокама қилдилар ва холисона дўстлик ҳамда ўзаро ёрдамга асосланган умумий принциплар тўғрисида келишдилар. Совет ва Камбоджа экспертлари амалий йўлларни белгилаб чиқиш учун яқин келгусида Камбоджада учрашадилар, ана шу белгиланган амалий йўлларга мувофиқ, иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар мустаҳкамланади. Жумладан, экспертлар саноат корхоналари ва бошқа корхоналар қуришда ҳамда техника кадрлари тайёрлашда Камбоджа Короллигига ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқадилар.

Совет Ҳукумати ҳеч қандай ғаразли шартларни қўймаган ҳолда, Камбоджанинг суверенитетини, мустақиллигини ва миллий шаънини тўла ҳурмат қилган ҳолда Камбоджага техника ва иқтисодий жиҳатдан ёрдам кўрсатишга, шу билан унга ўз экономикасини ривожлантириш, бетарафлик сиёсатини ҳимоя қилишини давом эттириш ва Камбоджанинг гуллаб яшнаши ҳамда осойишталиги манфаатлари йўлида, тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бошқа миллатлар билан дўстона ҳамкорлик қилиш имкониятини беришга тайёр эканлигини билдирди.

Камбоджа вакиллари Совет Иттифоқининг ҳамма миллатларга нисбатан юргизаётган тинчлик ва дўстлик сиёсатидан, шунингдек Совет Иттифоқининг иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатларга ёрдам бериб келаётганлигидан жуда мамнун эканликларини изҳор қиладилар.

Шу билан бирга совет вакиллари Камбоджа Короллигининг сабот ва дадиллик билан ўз мустақиллигига эришганлигига ва ўни қаттиқ турио ҳимоя қилаётганлигига ҳамда ўзининг бетарафлик сиёсатини юргизаётганлигига юксак ва муносиб баҳо бермоқдаларки, бу сиёсат тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Суҳбатлар вақтида Камбоджанинг Женева битимлари шартларини бажарганлиги, Ҳинди-Хитой мамлакатларида тинчликни мустаҳкамлашда ва дунёнинг бу қисмидаги ҳал этилмаган жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал этмоқ учун замин яратиб беришда бу битимларнинг муҳим роли, шунингдек бу битимларнинг шартларини оғишмай бажаришнинг қиммати ва муҳимлиги қайд қилиб ўтилди.

Совет Ҳукумати Камбоджа Короллиги Ҳукуматига ва халқига совға тариқасида Пном-Пенда СССР кучлари ва маблағлари билан госпиталь қуриш ва жиҳозлаб беришни СССР халқлари номидан таклиф этди. Камбоджа Короллиги делегацияси Совет Ҳукуматининг бу совғасини миннатдорчилик билан қабул қилди.

Король Ҳазратлари шаҳзода Нородом Сианук СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганинни, СССР Олий Совети Президиуми Аъзоси Н. С. Хрушчевни ва СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепиловни Камбоджа Короли ва халқи номидан Камбоджа Короллигига Давлат меҳмонлари сифатида келишга таклиф этди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Сафарнинг вақти Томонлар ўртасида қўшимча равишда келишилади.

Иккала томон Совет Иттифоқи ва Камбоджа Короллиги давлат арбоблари ўртасидаги музокараларнинг натижаларидан ва шахсий алоқалар ўрнатилганидан мамнун эканлигини изҳор қилди; иккала томон бу музокаралар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб якдиллик билан бир фикрга келдилар.

1956 йил 7 июлда Москвада ёзилди.

СССР Ҳукумати номидан СССР Министрлар Совети Раиси
Н. А. БУЛГАНИН.

Камбоджа Короли ва Ҳукумати номидан Камбоджа Короли Ҳазрат Олийларининг ва Камбоджа халқининг Вакили
НОРОДОМ СИАНУК.

КПСС Марказий Комитетида Бельгия Коммунистик партияси раҳбар арбоблари қабул қилинди

7 июлда КПСС Марказий Комитетида СССРга келган Бельгия Коммунистик партиясининг раҳбар арбоблари билан суҳбат бўлди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Поспелов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Б. Н. Пономарев, Бельгия Компартиясининг миллий секретари Ўртоқ Эрнест Бюрнель ва Компартия Марказий Комитетининг аъзолари Тео Дежас, Берт Ван Хоорик ва Реми Жилис Ўртоқлар қатнашди.

Суҳбат вақтида ҳар иккала партияни қизиқтирувчи масалалар муҳокама қилинди. Суҳбат самимий вазиятда, бир-бирларини тўла англаш ва қардошларча ишонч руҳида ўтди. (ТАСС).

Бельгия Коммунистик партияси раҳбар арбобларининг СССРда бўлишлари муносабати билан зиёфат

Бельгия Коммунистик партияси раҳбар арбобларининг Совет Иттифоқида бўлиши муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиуми 8 июлда зиёфат берди.

Зиёфатда Компартиянинг Миллий секретари Ўртоқ Эрнест Бюрнель, Компартия Марказий Комитетининг аъзолари Тео Дежас, Барт ван Хоорик, Рэми Жилис ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Г. М. Маленков, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, Н. С. Хрушчев ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, КПСС Марказий Комитетининг секретарьлари Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Б. Н. Пономарев ҳозир бўлдилар.

Икки қардош партия вакиллари қатнашган бу зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ҳузурида КХДР Министрлар Кабинетининг Раиси Ким Ир Сен шарафига зиёфат

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 7 июлда Катта Кремль Саройида Москвага келган Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Кабинетининг Раиси Ким Ир Сен шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Корея Халқ Демократик Республикаси Ҳукумат делегациясининг бошлиғи Ким Ир Сен, шунингдек Корея делегациясининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Г. М. Маленков, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. И. Микоянов, В. А. Кучеренко, И. Ф. Тевосян, М. В. Хрупичев, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. А. Яснов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида КХДРнинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ли Сан Чо, СССРнинг КХДРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. И. Иванов, Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Муваққат Ишлар Вакили Чэнь Чу бор эди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида Н. А. Булганин ва Ким Ир Сен ўртоқлар дўстона қадаҳлар кўтардилар. (ТАСС).

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. БУЛГАНИННИНГ Мексика халқига табриги

Мексикада чиқадиган «Сьемпре» журналининг июль ойидаги юбилей сонида СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг Мексика халқига юборган қуйидаги табриконмаси эълон қилинди:

«Сьемпре» журналининг юбилейи муносабати билан мен шу фурсатдан фойдаланиб, эрксевар Мексика халқига Совет Иттифоқи халқлари номидан ва шахсан ўзимдан самимий табриклар йўллайман ва осойишталик ҳамда гуллаб-яшнашни тилайман.

Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар билан бўлганидек, Мексика билан бўлган муносабатларини ҳам ижтимоий системалари турлича бўлган давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш имкониятларини ва зарурлигини кўзда тутиб қуради. Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг асосий принциплари барча халқларнинг мустақил миллат ва давлат бўлиб ривожланиш ҳуқуқларини эътироф қилишдан, катта ва кичик давлатларнинг суверенитетини ҳурматлашдан ҳамда бошқа мамлакатларнинг ишларига аралашмасликдан иборатдир.

Мексика билан СССР ўртасида кейинги вақтда ривожлана бошланган маданий алоқалар халқларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликни кенгайтиришга ва дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мексика билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатлар халқларимизнинг бахт-саодати ва умумий тинчлик манфаати учун бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланади деб умид билдиришга рухсат эттайсиз.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. БУЛГАНИН».

РСФСР халқлари Спартакиадаси

„Динамо“ стадионида байрам

8 июлда Москвада РСФСР халқлари Спартакиадаси катта спорт байрами билан бошланди. Спартакиаданинг финал мусобақаларида Россия Федерациясининг энг яхши спортчиларидан 8 мингдан кўпроқ киши қатнашмоқда.

Байрам физкультурачиларнинг паради билан бошланди. Қуёшда қорайган йигит ва қизлар—85 та шаҳар, область, ўлка ва автоном республикаларнинг вакиллари стадиона саф-саф бўлиб тизилдилар... РСФСР физкультурачилари кейинги вақтда катта муваффақиятларга эришдилар. Улар ўтган йилнинг январь ойидан буён ўз областларида, ўлкаларида ва автоном республикаларда икки мингдан кўпроқ янги рекорд қўйдилар. РСФСР бўйича 200 дан кўпроқ рекорд қўйилдики, шундан 59 таси Бутуниттифоқ рекордидан ва 37 таси жаҳон рекордларидан ошиб кетди. Мана ҳозир жами 12 миллиондан кўпроқ киши қатнашган оммавий танлаш мусобақаларида ғолиб чиққанлар «Динамо» стадионида тўпландилар.

РСФСР Министрлар Совети Раиси ўртоқ М. А. Яснов спортчиларни табриклаб нутқ сўзлади.

—Бизнинг мамлакатимизда физкультура ва спорт,—деди ўртоқ Яснов,—чинакам умумхалқ иши бўлиб қолди, турмушга мустаҳкам сингиб кетди ва совет кишиларини жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга ва уларнинг соғлиғини мустаҳкамлашда қудратли фактордир. Физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланиш совет халқининг коммунистик қурилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда меҳнат соҳасидаги муваффақиятларига ёрдам бермоқда.

Ўртоқ Яснов, РСФСР халқлари Спартакиадасининг финалида қатнашувчилар бўладигани мусобақаларда юксак спорт натижаларига эришдилар ва Совет Иттифоқи халқлари Спартакиадасида спорт соҳасидаги маҳоратларини муносиб равишда намойиш қилишга ва жиҳозлаб беришни СССР халқлари номидан таклиф этди. Камбоджа Короллиги делегацияси Совет Ҳукуматининг бу совғасини миннатдорчилик билан қабул қилди.

Король Ҳазратлари шаҳзода Нородом Сианук СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганинни, СССР Олий Совети Президиуми Аъзоси Н. С. Хрушчевни ва СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепиловни Камбоджа Короли ва халқи номидан Камбоджа Короллигига Давлат меҳмонлари сифатида келишга таклиф этди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Сафарнинг вақти Томонлар ўртасида қўшимча равишда келишилади.

Иккала томон Совет Иттифоқи ва Камбоджа Короллиги давлат арбоблари ўртасидаги музокараларнинг натижаларидан ва шахсий алоқалар ўрнатилганидан мамнун эканлигини изҳор қилди; иккала томон бу музокаралар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб якдиллик билан бир фикрга келдилар.

1956 йил 7 июлда Москвада ёзилди.

Спартакиада байроғини тантанали суратда кўтариш бошланади. Байроқни флагшток ёнига республиканинг энг яхши спортчиларидан саккиз киши олиб бормоқда. СССР Давлат гимни садолари остида стадионда Россия Федерациясининг давлат байроғи ҳилпиллаб туради. Стадион трибуналаридан мингларча оқ каптар учириб юборилади.

Марш-парад 30 минутга яқин давом этди. Ям-яшил майдонга акробат ва гимнастлар югуриб чиқиб келади. Улар гуллар ва шарлар тутганлар. Спортчилар майдон ўртасида рангба-ранг шарларни учирадилар. Шарлар осмонга баланд учиб кетадилар. Йигит ва қизлар трибуналар олдига югуриб келиб, тамошабинларга гулдасталар тақдим этадилар.

Энг моҳир гимнаст ва акроботлар мураккаб машқларни чиройлик қилиб ижро этадилар. Тамошабинлар СССР чемпиони ва мамлакатнинг акробатларидан краснодарлик Григорий Казаджиевга ва Александр Корневга қизғин қарсак чаладилар. Жуфт ижро этиладиган акробатикада бир неча марта мамлакат чемпиони бўлган Зинаида Ефтихова ва Николай Фатееваларнинг маҳорати ҳаммани қойил қолдиради.

Бадиий гимнастика бўйича СССРнинг ёш чемпиони свердловсклик Лилия Назмуддинова моҳир санъаткорлигини намойиш қилиб кўрсатди.

Спортчилар футбол майдони ўртасида чиройли пирамидаларни ташкил қиладилар. Ана шу вақтда пойга йўлида мотоциклчилар ўқдай отилиб боради. Уларнинг устида акробатчилар турибди. Улар машиналар юриб турган вақтда мураккаб машқларни ижро этадилар.

Енгил атлетика мусобақаларини югурувчилар бошлаб берадилар. Майдонда қизғин спорт кураши бошланиб кетади. 800 метрга югуришда Уфа электромеханика техникумининг студенти Анна Симахина голиб чиқади. У масофани 2 минут-у 11,7 секундда босиб ўтади. Ғолибга РСФСР чемпионининг қизил лентаси тақилади.

Юз метр масофани хотин-қизлар ўртасида свердловсклик Галина Резчикова ҳаммадан тез босиб ўтди. У ярим финалда ва финалда РСФСР рекордини—11,8 секунд вақтни такрорлади. Эркаклар ўртасида сталинградлик Лев Васильев ғолиб чиқди. Унинг натижаси—10,8 секунд. Иккинчи ўринни Краснодар ўлкаси, Тихорецк районидаги Киров номли колхознинг аъзоси 19 яшар Василий Осипов олди.

Беш минг метр масофага югуришда ҳам сталинградлик спортчи Василий Власенко энг кучли бўлиб чиқди. У 14 минут-у, 4,6 секундда маррага етиб келди. Бу эса бу йил ёз мавсумида СССРда эришилган иккинчи натижа ҳисобланади.

РСФСР халқлари Спартакиадасининг финал мусобақалари Россия Федерацияси физкультурачилари эришган муваффақиятларнинг ҳақиқий кўритига, Россия Федерацияси халқлари бузилмас дўстлигининг намойишига айланмоқда.

«Динамо» стадионидаги спорт байрами бир неча соат давом этди. Бу байрамда москвликлардан бир неча ўн минг киши ҳозир бўлди.

Байрамда Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Г. М. Маленков, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов ўртоқлар ҳозир бўлдилар. Ложада КХДР Министрлар Кабинети Раиси Маршал Ким Ир Сен бошчилигида Корея Халқ-Демократик Республикаси Ҳукумат делегациясининг аъзолари, Камбоджа Король Ҳазратлари шаҳзода Нородом Сианук ва унинг ҳамроҳлари ҳам бор эди.

РСФСР халқлари Спартакиадасининг программаси бўйича спортнинг 22 хили юзасидан мусобақалар ўтказилади. Бу мусобақалар Москвада 15 июлгача давом этади. Енгил атлетикачилар, футболчилар ва баскетболчиларнинг мусобақалари «Динамо» стадионида ўтказилади. «Крылья Советов» жамиятининг физкультура саройида боксчилар, «Строитель» жамиятинг оғир атлетика саройида полвонлар, «Динамо» спорт залида штангачилар учрашадилар. Гимнастикачилар «Ёш пионерлар» стадионида, эшкакчилар Химки сув омборида мусобақа қиладилар. (ТАСС).

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети ўлжа фондларини текширган ва ўрганган вақтда аниқланган ҳамда Польша музейларига қарашли бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини Польша Халқ Республикаси Ҳукуматига бепул топшириш қарор қилди.

Поляк миллий санъатининг машҳур асарларини ўз ичига олган, 1939-1944 йилларда гитлерчилар қўлга туширган ва мамлакатдан олиб чиқиб кетган бу бойликларни Совет Армияси Германия территориясидаги жанглар вақтида қутқазиб қолган эди.

800 га яқин сурат, 10500 гравюра ва расм, 1100 дан кўпроқ амалий санъат буюмлари СССРда сақланиб турибди.

Польша Халқ Республикасига топширилдиган асарлар орасида кўзга кўринган поляк санъаткорлари А. Геримский, Г. Родаковский, Ф. Смуглевич, Ю. Хелмоньский, Л. Вичулковский, В. Герсон, С. Ленц, Ю. Брандт чизган суратлар бор. Улуғ поляк рассоми Ян Матейконинг «Станьчик», «Сигизмунд Август ва Барбара», «Сигизмундниг ўлими», «Генрих Краевский портрети» деган асарлари бор. Адам Мицкевичнинг рассом В. Ванькович чизган машҳур портрети муҳим асарлар жумласидандир. Суратлар коллекциясида Ғарбий Европа рассомларининг асарлари — Мемлингнинг «Қиёмат да», XVI асрдаги нидерландлик номаълум рассомнинг «Исога аза тутиш», XVII асрдаги голланд рассомлари Ван-Гойен, Рейсдаль, Бархем асарлари, француз рассомлари Ларжильернинг «Лайчали ва маймунли хонимнинг портрети» ва Давиднинг «Потоцкийнинг портрети» деган асарлари ҳам бор. Поляк рассомлари ва граверлари Я. Норблин, А. Котсис чизган расмлар ва эстамплар, Я. Зирнко, Е. Фальк, Д. Ходовецкий, Я. Пиварский-дарнинг нодир гравюралари, Ғарбий Европа санъаткорларининг графикасидан Дюрернинг гравюралари, Рембрандт ва Каллонинг офортлари, Тьеполо ва Менцельнинг расмлари катта қимматга эгадир. Амалий санъат буюмлари орасида антик даврга доир гулдонлар жуда нодир асарлардандир.

Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси Ҳукуматлари ўртасида бўлиб ўтган фикр олишиш вақтида Польша Халқ Республикаси Ҳукуматининг ташаббуси билан шу йил июль ойида совет жамоатчилигини бу асарлар билан таништириш учун Давлат Эрмитажида тасвирий санъат ва графика асарлари виставкаси очиш ҳақида келишилди.

СССР Министрлар Совети бу бадиий бойликларнинг Польша Халқ Республикаси Ҳукуматига бепул топширилиши совет ва поляк халқлари ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни ва бузилмас дўстликни янада мустаҳкамлаш ишига янги муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб ҳисоблайди.

Камбоджа давлат арбоблари делегацияси Москвадан жўнаб кетди

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқига келиб бир ҳафта меҳмон бўлган Камбоджа давлат арбоблари 9 июлда Москвадан жўнаб кетдилар. Делегация составида Король Олий Ҳазратлари шаҳзода Нородом Сианук, шаҳзода Сисоват Монипонг, Камбоджа Бош Министри Ким Тит, Камбоджа Миллат мажлисининг раиси Ум Шеанг Сун ва бошқа кишилар бор.

Марказий аэродром Камбоджа ва СССР Давлат байроқлари билан безатилган эди. Н. А. Булганин, Г. М. Маленков, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов ва бошқа расмий кишилар меҳмонларни кузатиш учун бу ерга келдилар. Кузатиб қолувчилар орасида пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари ҳам бор эди. Москвадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Камбоджа ва СССР Давлат гимнларининг садолари янграйди. Нородом Сианук ва Н. А. Булганин саф бўлиб турган фахрий қоровул олдидан ўтадилар.

Шундан кейин шаҳзода Нородом Сианук микрофон олдида нутқ сўзлайди.

— Мен, — деди у, — Совет Иттифоқи территориясидан кета туриб, улуғ мамлакатнинг Ҳукуматига ва халқига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни, шунингдек қардошларча кутиб олганликлари учун ва Камбоджа Короллигининг алоҳида вазиятини олижаноблик билан тушунганликлари учун Делегациямизнинг ташаккурини изҳор қилишни ўз бурчим деб ҳисоблайман. Мен бу мамлакатда бир ҳафта бўлиб, зўр таассурот олдим.

Шанба куни СССР Министрлар Советининг Раиси Булганин жаноблари ва мен имзолаган Қўшма Баёнотни барча қкмерлар сидқи дил билан маъқуллайдилар. Дарҳақиқат менинг ватандошларим шунга аминдирларки, Совет Иттифоқи билан дўстлик Ватанимиз учун тинчликнинг қиммати гарантиясидир ва Совет Иттифоқи бизга тамомила бегараз таклиф этган техника ва моддий ёрдам мамлакатимизни ҳозирги замон техникаси билан таъминлашга ва халқимизнинг турмуш даражасини кўтаришга кўп ёрдам беради.

Совет Иттифоқининг Камбоджага шу йўсинда кўрсатаётган қимматли ёрдами Осиё халқларининг бахт-саодатига хизмат қилади ва Совет Иттифоқининг тинчлик ҳамда халқаро ҳамкорлик ишига ҳақиқатан ҳам катта ҳисса қўшаётганлигини яна бир марта исбот этувчи далилдир.

Камбоджа бетараф мамлакат бўлиб, ўз мустақиллигини астойдил кўриқлайди. Совет Иттифоқи Камбоджага олижаноблик билан кўрсатаётган ёрдами учун ҳозир ҳам, келгусида ҳам ҳечқандай шарт қўймаганлиги сабабли Камбоджа Совет Иттифоқидан миннатдордир.

Бундан ташқари, Совет Иттифоқи бизнинг ҳақиқий эҳтиёжларимизни ҳисобга олиб бизга ёрдам беради. Совет Иттифоқининг бу ёрдами кхмер халқига амалий ва фойдали ютуқлар шаклида бевосита манфаат келтиради. Бу нарса менинг маршал Ворошилов ва маршал Булганин жаноблари билан, Хрушчев жаноблари, Маленков жаноблари, Молотов жаноблари, Шепилов жаноблари ва бошқа совет раҳбарлари билан олиб борган ғоят ошкора ва самимий музокаралардан келиб чиқади.

Шу сабабдан Камбоджа Короллиги ўзига виждонан узатилган қўлни зўр ишонч билан қабул қилди ва Совет Иттифоқи билан тамомила самимий дўст эканлигини биллирди.

Мен Камбоджа халқининг ана шу улуғ мамлакат халқларига миннатдорчилик билан айтган шодиёна сўзларини йўллайман. Ана шу улуғ мамлакатнинг халқлари ҳамма ерда бизнинг делегациямизга нисбатан чинакам муҳаббат туйғуларини изҳор қилдилар.

Нутқ тамом бўлгандан кейин шаҳзода Нородом Сианук ва Н. А. Булганин қаттиқ қўл қисишиб кўришадилар. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар меҳмонлар билан самимий хайрлашадилар. Ёш пионерлар Камбоджа давлат арбобларига гулдасталар тақдим этадилар.

Соат 9 дан 15 минут ўтганида қумушсимон машиналар ҳавога парвоз қиладилар. (ТАСС).

В. И. Ленининг 1922 йил декабрь—1923 йил январда ўзи айтиб ёздирган хатлари брошюра қилиб нашр этилди

Давлат Сиёсий адабиёт нашриёти В. И. Ленининг 1922 йил декабрь—1923 йил январда ўзи айтиб ёздирган хатларини, шу жумладан «Васиятнома» номи билан маълум бўлган «Съездга мактуби»ни, «Госпланга қонун чиқариш функциялари бериш тўғрисида»ги мактубини ва «Миллатлар тўғрисидаги ёки «Автономизация тўғрисидаги масалага доир» деган мактубини брошюра қилиб босиб чиқарди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти томонидан бу ҳужжатларга ёзилган сўз бошида бундай деб кўрсатилади:

«Ленининг эълон қилинаётган бу ҳужжатлари КПСС Марказий Комитетининг қарорига биноан, КПСС XX съездининг делегатларига маълум қилинган эди, сўнгра, партия ташкилотларига юборилган эди.

КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмасига мувофиқ, В. И. Ленининг мактублари «Коммунист» журналининг 1956 йил 9-сонида эълон қилинган ва айрим брошюра сифатида нашр этилади».

Брошюранинг тиражи-1 миллион пусха. (ТАСС).

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг эсдалик медали

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси БҚХВнинг эсдалик медалини чиқарди. Медалнинг бир томонига виставканинг эмблемаси — фаровонлик символи бўлган буғдой боғламини кўтариб турган тракторчи билан колхозчи аёл сурати, иккинчи томонига бош павильоннинг сурати туширилган.

Бу медаль виставкани келиб кўраётган меҳмонларга эсдалик қилиб топшириш учун чиқарилгандир. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ф. Г. Волков номидаги Ярославль драма театрининг артисти Г. А. Беловга СССР халқ артисти деган фахрий унвон бериш тўғрисида

Совет санъати соҳасидаги ғоят катта хизматлари учун Ф. Г. Волков номидаги Ярославль драма театрининг артисти, РСФСР халқ артисти Григорий Акинфович Белова СССР халқ артисти деган фахрий унвон берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1956 йил, 7 июль.

Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг III пленуми

Шу йил 6-7 июлда Тошкентдаги Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар Уйида Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг III пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС XX съезди қарорлари муносабати билан ўзбек совет адабиётининг аҳвоми ва вазифалари ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Пленумда ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** «Ўзбек Совет адабиётини янги ғоявий-бадиий юксакликка кўтариш учун» деган темада доклад қилди.

Докладчи жонажон партиямизнинг XX съезди коммунистик қурилиш тараққиётининг ойдин йўлларини ва улуг истиқболини кўрсатиб, тарихий қарорлар қабул қилганлиги, бадиий адабиётимиз олдила турган улугвер вазифаларни очиқ-ойдин белгилаб берганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбек совет адабиёти кўпмиллатли СССР халқлари адабиётининг қардошлик оиласида, рус адабиётининг самарали таъсирида ўсди ва камол топди. Ўзбекистон сўз усталари турли жанрларда, стиль ва формаларда бадиий ҳамда ғоявий жиҳатдан юксак, катта ва муносиб асарлар яратдилар. Бадиий сўз устаси Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар» романлари, моҳир санъаткор Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари», Парда Турсуннинг «Ўқитувчи», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романлари адабиётимизда проза жанрининг етакчи соҳа бўлиб қолганлигидан далолат беради. Ўзбекистондаги рус прозаикларидан С. Бородин, М. Шевердин ва В. Мильчаковлар йирик проза асарлари яратдилар. Талантли шоирларимиз Ғафур Ғулом, Ўйғун, Зулфия, Мирмуҳсин ва бошқалар поэзияда бирнеча эпик ва лирик асарлар яратиб, адабиётимиз хазинасини бойитдилар. Энг яхши драматургларимиздан К. Яшин, А. Каҳҳор ва Ўйғунларнинг асарларидан қардош республика театрлари бахраманд бўлмоқда. Ёш драматург Одил Ёқубов «Чин муҳаббат» пьесасини яратди. В. Лапко ва Н. Юденичларнинг «Ҳайдарнинг йўли» номли киносценарийси ижобий баҳо олди.

Докладчи партиямиз XX съезднинг совет ёзувчилари олдига қўйган вазифаларини таъкидлаб ўтиб, Ўзбекистон ёзувчиларининг ижодидаги муваффақиятларни кўрсатиш билан бирга, ўзбек совет адабиётининг ҳозирги аҳволи ҳақида, кейинги йилларда бадиий асарлар кам яратилаётганлиги ҳақида сўзлади. Адабиётимизда чала-чулпа ёзилган, хомаки, зериктирарли, ширасиз ва нурсиз асарлар кўпайиб бормоқда. Драматург Ўйғуннинг «Сўнгги пушаймон» пьесасида олий ўқув юрти ва олимларнинг ҳаёти жуда примитив тасвирланган. Ёзувчилардан Иброҳим Раҳимнинг «Ҳаёт булоқлари» номли романида, Ҳ. Назирнинг «Кўкорол чироқлари» повестида турмушни бўяб тасвирлаш сезилиб туради.

Поэзиямизда эпик ва лирик жанрларнинг кўп хилдаги ранг-баранг турлари ўрнини бир нав риторика ва мадҳиябозлик эгаллаб олаётир. Мисол қилиб Туроб Тўланнинг 1955 йилда чиққан сўнгги шеърлар тўпламини кўрсатиш мумкин. Кейинги йилларда 20 га яқин шеърлар тўплами босилиб чиқди. Бу шеърий тўпламлар поэзиямизда кескин бурилиш ясай олмади, поэзиямизни янги юқори босқичга кўтара олмади. Поэма жанрида биз сўнгги йилларда фақат муваффақиятсизликларимизнигина санашимиз мумкин. Назарматнинг «Ёшлик водиси», Пўлат Мўминнинг «Ўринбосарлар»и, Султон Акбарийнинг «Води қўшиқлари» поэмалари китобхонларимизга катта қувонч бағишлай олмади. Бу асарларда тўғри танланган тема ва ғоявий жиҳатдан тўғри мўлжалланган образлар ўзининг бадиий ифодасини топмади, поэмалар юксак поэтик асар даражасига кўтарилмай, схематик баён даражасида қолиб кетди.

Докладчи бадиий асарнинг тили масаласига, ёш ёзувчилар билан ишлашни яхшилаш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Докладчи Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзи ёш талантларни аниқлаш билан кам шуғулланаётганлигини, уларни етарли даражада қўллаб-қувватламаётганлигини кўрсатиб ўтади. Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг президиуми ўртоқ Абдулла Қаҳҳорнинг кўрсатмаси билан ёшлар ўртасида ишлаш комиссиясини тарқатиб юбориб катта хатога йўл қўйди.

Докладчи адабий танқидчилигимиз бадиий ижод тараққиётига етарли таъсир кўрсатмаётганлигини, ёзувчиларимизга етарли ёрдам бермаётганлигини, кенг ўқувчилар оммаси учун таълим беруви бўла олмаётганлигини кўрсатиб ўтди. Республика ва область газеталарида, журналларда тез-тез пайдо бўладиган мақолалар ва рецензияларнинг сифати учун кураш тегишли юксакликка кўтарилмаган.

Докладчи ёзувчиларни 1958 йилда Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига пухта тайёргарлик кўриб, янги асарлар яратишга чақирди. Докладчи ўз сўзини тамомлар экан, ёзувчиларимизнинг муққадас бурчи — ижодий маҳоратни ва талантни тинмай такомиллаштириб, коммунистик жамият қурувчи қаҳрамон халқимизга муносиб асарлар яратиш устида астойдил ишлашдан иборатдир, деб уқтириб ўтди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда биринчи бўлиб философия фанлари доктори, профессор **В. Зоҳидов** сўзга чиқиб, кейинги йилларда қорақалпоқ адабиётида прозаик асарлар яратилаётганлигини кўрсатиб ўтди. Ҳозирги вақтда қорақалпоқ ёзувчилари ўнларча повесть, ҳикоялар тўпламлари ва айрим романларни китобхонларга тақдим этганлар. Сеитов қорақалпоқ ёзувчиларининг шу йил Тошкентда бўладиган қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадасига пухта тайёргарлик кўраётганлигини, оригинал асарлар яратилаётганлиги, рус, ўзбек, украин асарлари таржима қилинаётганлиги ҳақида гапирди. Шу билан бирга у, қорақалпоқ ёзувчиларининг асарларида бадиий маҳорат етишмаслигини, актуал асарлар кам яратилаётганлигини, Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзи қорақалпоғистон ёзувчиларига қонқарсиз раҳбарлик қилаётганлигини айтди.

Георгий Гулиа (Москва) пленум қатнашчиларига СССР ёзувчилар союзи, Москва ёзувчилари, «Литературная газета» редакцияси коллективининг саломини топшириб, совет адабиётини ривожлантириш масалалари ҳақида, юксак ғоявийликни кучайтириш ҳақида, ижобий қаҳрамонларнинг ёрқин образларини яратиш ҳақида гапирди. Г. Гулиа «Опа-сингиллар» романи, «Кўкорол чироқлари» повести, «Одамлар ва йиллар» ҳикоялар тўплами ҳақида гапириб, бу асарларнинг муваффақиятли томонларини кўрсатиш билан бирга, улардаги айрим камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди. У, ёзувчи ҳаёт воқеаларини чуқур ўрганишлари лозим деди. Гулиа Ўзбекистон совет ёзувчилар союзи президиумининг ишида коллегиялчилик принципини сақлаш, «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналларининг фаолиятини яхшилаш лозимлигини кўрсатди.

Танқидчи **О. Шарафуддинов** кейинги йилларда тажрибали адабий танқидчилар ўз мақолалари билан газета-журналларда қатнашмаётганликлари, айрим ёзувчиларнинг ижодлари ҳақида ёзилаётган библиографик китобларда баъзибир камчиликлар борлиги ҳақида гапирди. Ёш танқидчиларга ижодий ёрдамни кучайтириш, уларнинг асарларини эълон қилинишига ёрдамлашиш, Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзи танқид ва адабиётшунослик секциясининг ишини яхшилаш лозим.

М. Муҳамедов, М. Шевердин, Н. Сафаров Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига тайёргарлик қонқарсиз аҳволда бораётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Улар нашриётлар ва редакциялар нашрга келган асарларга талабчанликни кучайтиришларини, нашриёт планларининг тўла бажарилиши учун астойдил ҳаракат қилишларини таъкидлаб ўтдилар.

Ёш шоир **Ю. Шомансуров** пленум президиумига Тошкентдаги Н. Островский номли пионерлар саройи қошидаги адабиёт тўгараги қатнашчиларининг Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Бахтимизни куйлаймиз» деган шеър ва ҳикоялар тўпламини тақдим этди. Шомансуров катта ёзувчилар ёш ёзувчиларга ижодий ёрдамни кучайтириб, ёш талантларнинг ижодий усишлари учун доимий ғамхўрлик кўрсатиб келишлари зарур деди.

Танқидчи **И. Гринберг** (Москва) социалистик реализм принципларига қаттиқ амал қилиб, ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак поэтик асарлар яратиш ҳақида тўхталди. У, шоир Асқад Мухторнинг кейинги йилларда ёзган бир неча шеърларини анализ қилиб, авторнинг ижодий муваффақиятларини кўрсатиб ўтди, шу билан бирга шоирларнинг эътиборини ҳаётни атроф-теваракдан эмас, балки унинг ичига кириб бориб тасвирлашга, бадиий маҳоратни кучайтиришга қаратди.

Музокараларда **Т. Одилов** (Самарқанд), **Қ. Муҳаммадий, А. Удалов** сўзга чиқиб, Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг иш фаолиятини яхшилаш, ёзувчиларнинг ижодий маҳоратини кучайтириш ҳақида гапирдилар.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон ёзувчилари союзи, унинг собиқ раҳбарлари Ғ. Қаҳҳор, В. Костиря ва М. Муҳамедовларнинг нотўғри иш услубларини танқид этдилар.

Пленумда қабул қилинган қарорда республиканинг адабиётчилари партия XX съезднинг кўрсатмаларига амал қилиб янги ижодий муваффақиятларга эришадилар, Москвада бўладиган ўзбек санъати ва адабиёти декадасига тайёргарлик кўриш вақтида республикамиздаги ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг ва интеллигенциянинг меҳнат соҳасидаги қаҳрамонлигини ёрқин акс этдирадиган юксак ғоявий ва бадиий асарларни яратадилар, деб кўрсатиб ўтилди.

Пленум ташкилий масалаларни ҳам муҳокама қилди. **С. Азимов** (биринчи секретарь), **К. Яшин, А. Удалов** ва **И. Султонов** ўртоқлардан иборат Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг секретариати сайланди.



Оҳангарон цемент заводида клинкер пиширишни технологиясини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. **Суратда:** Айланма печь машинисти **А. Абдирахмонов** ва Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг марказий лабораторияси илмий ходими **В. Корнакова** пиширилган клинкер сифатини кўздан кечирмоқдалар. **В. Салов** фотоси.

Ускуналардан унумли фойдаланиб

Оҳангарон брикетлаш фабрикасининг коллективи 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кучайтириб, бу соҳада яхши натижаларга эришмоқда.

Украина брикетлаш фабрикасининг коллективи тажрибаси асосида ишлаётган прессчилардан Турдиев, Алпатов ўртоқлар ускуналардан унумли фойдаланиб, смена топшириқларини доимо 120-130 процентга етказиб бажараётирлар. Ўртоқ Пряжко бошлиқ бригаданинг слесарлари ускуналарни тез ва сифатли ремонт қилишда бошқаларга намуна бўлмоқда. Ўртоқ Яшенко 3 касбни эгаллаб ҳозир икки станокда ишлаш билан бирга смена нормасини 1,5-2 ҳиссага етказиб аъло сифатли маҳсулот бермоқда. Қуритиш барабанининг машинисти А. Попов, мотористлардан Н. Аҳмадиев, А. Батроманов ўртоқлар ҳам фидокорона меҳнат қилиб ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ортиғи билан бажараётирлар.

Иш процесслари такомиллаштирилмоқда

Тошкентдаги канап йигирув-тўқув фабрикасининг коллективи ишлаб чиқариш процесларини, айниқса бўй меҳнат талаб этадиган ва оғир ишларни комплекс механизациялашга алоҳида эътибор бермоқда. Бу соҳада корхона коллективига ташаббускор рационализатор ва ихтирочилар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида фабрика рационализаторлик ва ихтирочилик бюросига коллективдан 47 та таклиф тушди. Ҳозиргача улардан 30 га яқини ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришга катта ёрдам берди. Рационализаторлардан мастер А. Гушин, слесарь Б. Руденко, инженер Н. Корзинкин ўртоқларнинг таклифлари айниқса диққатга сазовордир.

Яқинда йигирув цехига «УМПА» маркали йигирув машинаси келтирилган эди. Бу машинанинг, чунончи ипни тез-тез узиши, чувалатиб юбориши ва шунга ўхшаш камчиликлари аниқланди. Мастер Медведев, инженер Шухатович ўртоқлар ҳамкорликда ишлаб, машинанинг камчиликларини тугатдилар, унинг айрим қисмларини модернизациялядилар. Натижада тўқув станогининг иш унуми ортди. Бу таклиф ҳозиргача корхонага 20 минг сўмдан ортиқ фойда келтирди.

Фабрикада юқоридаги каби тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги туфайли давлат планлари доимо ортиғи билан бажарилмоқда. Жумладан, ярим йиллик топшириқ 107 процентга етказиб бажарилди. Маҳсулот таннархи пландагига нисбатан 1,5 процент камайтирилди, пландан ташқари 1 миллион 246 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Меҳнатсевар коллектив қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

М. САИДОВА, Д. АЮПОВА.

Энергетиклар ғайрати

Фарҳод ГЭС коллективи йил бошидан бери бир меёрда ишлаши натижасида давлат планларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан бажариб келмоқда. Ишлаб чиқариш процесларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш эҳтиёжи ярим йиллик топшириқ муддатидан 21 кун олдин бажарилиб, 1 июлгача қўшимча равишда бир неча миллион киловатт-соатга яқин электр қуввати ишлаб чиқарилди. Йил бошидан бери меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 600 минг сўмдан кўпроқ жамғарма олинди.

Бундай юқори кўрсаткичларга эришишда цех ва сменаларарО социалистик мусобақанинг қизғин юборилиши ҳамда қатор ташкилий-техника тадбирларнинг амалга оширилиши ҳал қилувчи роль ўйнади. Мусобақада систематик равишда биринчи ўринда келаётган электр цехи коллективи бир меёрда ишлашда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Станция бўйича навбатчи инженер ўртоқ Березовский бошчилигидаги смена аъзоларига шу йилнинг ўзида учинчи марта «ГЭС ускуналарини аъло даражада эксплуатация қилган энг яхши бригада» унвони берилди.

Б. ТАЙКЕНОВ.

Ғалла ўрим-йиғимига

ВЛКСМ Марказий Комитетининг комсомолларга ва барча совет ёшларига қарата «Қўриқ ерларга кўчиб борган кишиларга ҳосилни ўриб-йиғиб олишда ёрдамлашайлик!» деб қилган Мурожаатини барча комсомол-ёшлар қизғин маъқуллаб, етиштирилган мўл ғалла ҳосилини қисқа муддат ичида йиғиб олиш учун қўриқ ва бўз ерларга жўнаб кетмоқдалар. Бу Мурожаат Тошкент области ва Тошкент шаҳрининг комсомол-ёшлари ўртасида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Утган якшанба куни Тошкент вокзалида ғалла ўрим-йиғимига жўнаб кетувчилар митинги бўлди. Митингни Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари ўртоқ Соқиев очиб, комсомол путёвкаси билан қўриқ ерларга жўнаб кетаётган 107 кишини қизғин табриклади ва уларнинг ишларига муваффақиятлар тилади.

Кеча Тошкент шаҳар Октябрь ва Куйбишев районларининг турли ташкилотларидан келган 315 киши ҳам Қозоғистон ССРнинг Жамбул областига жўнаб кетди.

Колхозга оталик ёрдами

Бекобод районидаги Мичурин номли колхозда дала ишлари авжи қизиган вақтда пиллачиликка зўр бериш талаб этилди. Кўп кучни пиллага сафарбар этиш натижасида ғўза парвариши суслашиб кетди. Ўзбекгидростройга қарашли Бекобод шаҳар қурилиш бошқармаси коллективи ўз оталигидаги колхозга ёрдам бериш мақсадида бир неча кишини ажратди. Улар колхозга чиқиб ғўза парваришида орқада қолаётган бригадаларга кўмаклашмоқдалар. ОРС ишчилари эса далада умумий овқатланишни ташкил қилишда ёрдамлашдилар.

Қурувчилар ўз транспортлари билан колхозчиларга керакли бўлган минерал ўғитларни етказиб бериб турдилар. Улар ўзларининг ички ресурслари ҳисобидан колхозга кўприклар қуриш, ирригация иншоотларини яхшилашда кўмаклашдилар.

Қурилиш бошқармасининг партия ташкилоти колхозда социалистик мусобақани ташкил қилишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ғўза парвариши айни қизиган шу кунларда бошқармадан юборилган агитатор ва пропагандистлар колхозчилар орасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бормоқдалар.

Қурувчилар коллективи колхозга фақат хўжаликни тиклаш ва ривожлантиришдагина эмас, балки шу билан бирга колхозчиларнинг маиший шароитларини яхшилашда ҳам яқиндан ёрдам қилмоқдалар. Жумладан, улар болалар яслиси учун стол, стул ва ёғоч ўйинчоқлар тайёрлаб бердилар.

Б. РОЙТИХ,
Ўзбекистон КП Бекобод шаҳар комитети саноат бўлимининг мудири.

Меҳнат унумдорлиги ошмоқда

Янгийўл тикув-пойафзал комбинати коллективи ўтган ойнинг ўзида меҳнат унумдорлигини 15,2 процент, биринчи сорт маҳсулот ишлаб чиқаришни 5,1 процент оширишга муваффақ бўлди.

Цехлараро мусобақада коммунист Ледвич раҳбарлик қилаётган 6-цех коллективи олдинда бормоқда. Бу цех йил бошидан бери комбинат кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда. Цех коллективи ўтган ой планини 19,1 процент ошириб бажарди, 830 галтак ип тежади.

2-цех тикувчилари ҳам нуқул юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

ПАРТИЯ ТЕМАСИДА

Ишлаб чиқаришда цех партия ташкилоти ролини оширайлик

«Ташкенткабель» заводи ишга тушганидан бери бир меёрда ишламай келар эди. 1955 йил плани ялпи маҳсулот бўйича бажарилган бўлса ҳам, саноатга кўпгина муҳим кабеллар етказиб берилмади. Кўмир саноати оғир шлангли кабелларни, нефть саноати эса кароттаж кабелларини етарли миқдорда олмади.

Иш ҳақи фонди анчагина кўп сарфланар, маҳсулот таннархини камайтириш плани бажарилмас эди. Завод иши матбуотда ва район партия конференциясида танқид қилинди. Заводнинг ассортимент бўйича планни бажармаслиги мамлакатимиздаги кўпгина корхоналар ишига путур етказарди. Бу ҳол завод партия ташкилотини ва айниқса завод партия плани бажаришда асосий роль ўйновчи цех партия ташкилотларини ташвишлантирмасдан қўймас эди.

Завод планни бажарибгина қолмасдан, балки кўпгина миқдорда ошириб бажариши учун ҳам имкониятлар ва резервлар бор эди. Ҳамма гап ҳар бир цех, смена, участка ва бригадада ана шу имконият ва резервларни қилиб топиш ва улардан самарали фойдаланишда эди.

1956 йилнинг 5 ойи ичида пландан ташқари 8,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Утган йилнинг 5 ойида эса ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани зўрға 100,6 процент бажарилган эди. Шу йилнинг апрель ойида завод плани 17 процент ортиғи билан адо этиб, ассортиментнинг барча позициялари бўйича ҳам белгиланган топшириқни бажарди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани ҳам ортиғи билан бажарилди, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати анча яхшиланди.

1955 йилнинг биринчи ярмидаги ойларда ойлик топшириқнинг 11-13 процента I декадада, 22-27 процента II декадада, 33-34 процента III декадада бажарилган бўлса, 1956 йилнинг биринчи ярмидаги ойларда топшириқнинг 22-27 процента I декадада, 33-34 процента II декадада, 38-40 процента III декадада бажарилди.

Бу заводнинг бир меёрда ишлаша яқинлашаётганини кўрсатади.

Завод ўз хўжалик фаолиятини кескин даражада яхшилашга қандай қилиб эришди?

1955 йилнинг биринчи ярмида бўлиб ўтган умумзавод партия йиғилишида социалистик мажбуриятнинг нима учун бажарилмаётганлиги муҳокама қилинди. Коммунистлар цехларнинг маъмурий-хўжалик фаолияти устидан чинакам контроль ўрнатилмаганлиги ва партия ички ишларининг суслашиб кетганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Партия йиғилиши прокат, волочильний цехлари ва кучли токларга мўлжалланган кабеллар цехининг планни бажара олмаётганига асосий сабаб шу эканлигини кўрсатдилар. Шу йиғилишда заводнинг нормал ишлаши учун ҳал қилиниши зарур бўлган асосий вазифалар белгилаб чиқилди. Завод партия бюроси коммунистлар томонидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан контроллик ўрнатди ва бу тадбирларнинг амалга оширилиши учун кураш олиб борди.

Биз дастлаб прокат цехининг ишини қатъий яхшилашга киришдик. Бу цехнинг катанкани ўз вақтида етказиб бериши кўп цехларнинг бир меёрда ишлашини таъминлаши мумкин эди. Биз асосий эътиборни ва кучни прокат цехига қаратдик. Прокат цехининг партия ташкилоти ҳам завод коллективи ишининг муваффақияти ана шу цех ишини яхшилашга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини тушунди.

Цех партия ташкилотининг секретари цех коммунистлари билан маслаҳатлашиб, завод раҳбарлари — директор, бош инженер, бош металлург, бош механик ва бош энергетик иштирокида очиқ партия мажлиси ўтказишга қарор қилди. Мажлисда цехнинг деярли барча коммунистлари чиқиб сўзладилар ва прокат ишини яхшилашга қаратилган кўпгина фойдали ва конкрет таклифлар киритдилар. Сўзга чиққанлар наладчикларнинг малакаси етарли эмаслигини, механик ва электрик сабаблар билан тез-тез авариялар бўлиб туришини, бригадаларнинг келишиб ишламаётганликларини танқид қилдилар.

Кирса шаҳридаги заводдан тажрибали прокатчини чақириш ва заводнинг ижо ишчисини Ленинграддаги ҳамда Кольчугинодаги кабель заводларига юбориш ҳақида бир фикрга келинди. Петлячилар малакасининг етарли эмаслиги аниқланди ва бу ихтисосдаги кишиларнинг назарий билимини ҳамда амалий тажрибасини ошириш билан шуғулланилди. Рационализаторлик ҳаракатига алоҳида эътибор берилди.

Прокат стани қисиш линиясининг редуктор валидаги подшипникларнинг қизиб кетиши натижасида тез-тез тўхтаб турар эди. Цех электриги ўртоқ Токарев редукторлдаги мой даражасини контроль қилиб турадиган оригинал схемани таклиф қилди. Бу таклифнинг амалга оширилиши натижасида станнинг тўхтаб туриш вақти анча камайди. Бир группа электриклар петлячилар меҳнатини осонлаштириш имкониятини берадиган электромагнит қайчининг янги конструкциясини таклиф қилдилар. Улар аллюминий прокат қилишда калибрни ўзгартирдилар.

Цехда кўргазмали агитацияга эътибор кучайтирилди. Прокат ишини яхшилашда ташаббус кўрсатган ишчиларнинг фамилиялари «Молния»лар орқали эълон қилиб турилди, деворий газетада илғорлар тажрибаси оммалаштирилди. Заводнинг кўп тиражли газетаси ўзининг 3 сонини прокатчилар ишига бағишлади. Партия ташкилоти партия йиғилишининг таклифлари қандай бажарилаётганлигини ҳар ойда 3-4 мартадан текшириб турди.

Завод партия йиғилиши белгилаган тадбирларни амалга ошириш соҳасидаги коммунистларнинг ташаббуси бутун коллектив томонидан қўллаб-қувватланди. Бу соҳадаги ишлар кўп ўтмай ўз самарасини кўрсатди. 1956 йилнинг июнь ойига келиб прокат цехи яхши натижаларга эришди. Ҳар сменада 30-35 тонна ўрнига 54 тонна мис катанкаси олинадиган бўлди. Аллюминий катанка ишлаб чиқариш деярли 3 марта ошди.

Цехнинг муваффақиятли ишлаши бошқа цехларнинг нормал ишлашига имконият яратди. 1955 йилда прокатчиларнинг ёмон ишлаши натижасида 20- цехда шнурлар ишлаб чиқариш плани бажарилмас эди. Цех ходимлари ҳамма айбни прокат цехига тўнкаб қўйиб, ўз ишларини бутунлай ташлаб, ишсизлик ва ишсизлик ҳаракатини ташкилотчилик ва ишсизлик ҳаракатини ташкилотчилик ва ишсизлик ҳаракатини ташкилотчил

Ғўзаларнинг нормал ривожланиши учун чопиқ, культивация, озиқлантириш ва суғоришни ўз вақтида ўтказайлик!

☆

Мусобақадошлар

Мирзачўл районидаги Каганович номли колхознинг Ўсар Мирзалиев ва А. Қобилов ўртоқлар бошлиқ бригадалари бир-бирлари билан мусобақадош ҳисобланадилар. Ҳар икки бригада аъзолари ҳам социалистик мусобақа шартларини тўла бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Мирзалиев бошчилик қилаётган бригададаги илғор звенолар ғўзаларни тез-тез ёввойи ўтлар босиб кетишига ва кўп меҳнат сарф қилишимизга сабаб бўлди. Биз бу йил ўтган йилгидек камчиликлар рўй бермаслиги учун ҳаракат қилмоқдамиз. Барча майдонлардаги ғўзалар кўндаланга парвариш қилинмоқда.

Бу йил ғўза парвариши ўтган йилдагига қараганда 8 кун олдин бошланди. Шунга қарамай бу давр ичида бригада аъзолари 1600 дан ортиқ меҳнат куни сарф қилдилар. Бу— бригада аъзоларининг кам меҳнат сарф қилиб, кўп ҳосил олиш учун курашаётганликларидан далолат беради.

Д. СОДИҚОВ.

Илғор бригада аъзоларининг дастлабки ютуғи

Верхне-Волинск районидаги Карл Маркс номли колхознинг 11-бригада аъзолари бу йил 47 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Бригада аъзолари шу кунгача ғўзаларни уч марта комплекс парваришдан чиқардилар. Барча майдонлардаги ғўзалар маҳаллий ва минерал ўғитлар билан икки марта озиқлантирилди. Ҳозир ғўзалар яхши парвариш қилинаётганлиги учун ўтган йилдагига қараганда 10 кун илгари текис гуллай бошлади. Бригада аъзоларининг дастлабки ютуқларга 1-МТС механизаторлари ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса универсалчи А. Ўммонов, Ж. Хусанов каби ўртоқлар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳиссага етказиб бажариб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

С. ДАУЛБОЕВ.



Боёвут районидаги Жданов номли колхознинг 5-бригада аъзолари 66 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар. **Суратда:** ўртоқ **Х. Холматов** шу бригада далаларидаги ғўзаларни тўртинчи марта культивация қилмоқда.

В. Салов фотоси.

Кам меҳнат сарфлаб кўп ҳосил олиш учун курашмоқдалар

Ўртоқ Чинибек Мамбетқулов Октябрь районидаги Хрушчев номли колхозда бир неча йилдан буён бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда. У бошлиқ бригада ўтган йили 75 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29,5 центнердан ҳосил олган ва ҳар бир центнер пахта учун 10 тадан меҳнат куни сарфлаган эди.

— Ўтган йили, — дейди ўртоқ Мамбетқулов бу ҳақда гапириб, — бригадамизда ғўзани кўндалангига ишлашга етарли эътибор берилмаган эди.

Бу ҳол ғўзаларимизни тез-тез ёввойи ўтлар босиб кетишига ва кўп меҳнат сарф қилишимизга сабаб бўлди. Биз бу йил ўтган йилгидек камчиликлар рўй бермаслиги учун ҳаракат қилмоқдамиз. Барча майдонлардаги ғўзалар кўндаланга парвариш қилинмоқда.

Бу йил ғўза парвариши ўтган йилдагига қараганда 8 кун олдин бошланди. Шунга қарамай бу давр ичида бригада аъзолари 1600 дан ортиқ меҳнат куни сарф қилдилар. Бу— бригада аъзоларининг кам меҳнат сарф қилиб, кўп ҳосил олиш учун курашаётганликларидан далолат беради.

Д. СОДИҚОВ.

Ғўзани сўрувчи зараркунандаларга қарши янги дорилар

Ғўзани сўрувчи зараркунандалар, биринчи навбатда ўргимчакканага қарши ҳозиргача олтингугуртли дориворлар: олтингугурт оҳак аралашмаси, қайнатмаси (ИСО) ва коллоид олтингугурт ишлатиб келинади. Бу дориворлар ўргимчаккана ва ширага таъсир этиши учун уларни чанглаш ёки пуркашда албатта баргнинг ост томонига юқтириш керак. Шундагина зараркунандаларнинг қирилиши мумкин. Дорилашнинг бу усули техник жиҳатдан қийин бўлиши билан бирга, дори сарфини ҳам анча ошириб юборади. Демак, зараркунандаларга қарши кураш харажатлари кўпаяди.

Бундан ташқари олтингугуртли дориворлар ўргимчакканани ўлдирса ҳам лекин унинг тухумлари зарарсиз қолади. Шунинг учун бир дориланган ғўза 10-12 кун ўтгач такрор дориланиши керак.

Совет олимлари колхозчилар меҳнатини енгиллаштириш учун зараркунандаларга қарши ишлатиладиган янги дориворларни чиқардилар. Жўмладан, меркаптофос деган дори ғўзани сўрувчи зараркунандаларга бирданига таъсир этадиган кучли заҳардир. 30-50 процентли концентрат билан чиқарилаётган меркаптофос сиртдан қараганда ёғсимон ҳолатда, оч жигаррангда бўлиб ҳиди ўткир ва ёқимсиздир. Бу концентрат сувда яхши эрийди.

Меркаптофос зараркунандаларга ичдан таъсир этадиган дори бўлиб, унинг барг остига юқиши шарт эмас. Одатда бу дори барг устига юқтирилади. Шунда у баргнинг ичига сингиб, тўқималар орқали ўсимликнинг барча органларига тарқалади ва 30 кунгача ўз кучини сақлаб туради.

Зараркунандалар ўсимлик ширасини сўрганда баргдаги меркаптофосни ҳам қўшиб сўриб заҳарланади ва ўлади. Меркаптофос таъсирида фақат ўргимчаккана ва ширагина эмас, балки шира, трипслар ҳам қириб кетади. Дорининг таъсири узоқ сақлангани учун ғўзани тез-тез дорилаб туришга ҳам заруият бўлмайди. Шунинг учун бу дориворни ишлатиш натижасида зараркунандаларга қарши кураш харажатларини анча камайтириш мумкин бўлади.

Меркаптофос сувда эритилган ҳолда ғўзаларга пуркалади. Ҳар гектар ерга 1,5-2 килограммдан меркаптофос олиниб, унга 600 литргача сув қўшилиб суюқ эритма тайёрланади. Зараркунанданинг кўп-озлигига қараш, ҳар гектар ерга 200-600 литр эритма пуркалади. Ҳолбуки олтингугуртли дориворлар ишлатилганда 15-20 килограмм коллоид олтингугуртдан тайёрланган 600-2000 литр суюқ эритма пуркашга тўғри келади.

Меркаптофос ўткир заҳарли бўлганлиги учун уни дастаки, от билан ишлатиладиган аппаратларда пуркашга мутлақо йўл қўйилмайди. Бу дори фақат АН-2 маркали махсус самолёт билан, айрим ҳоллардагина ОДН ва ОУН-4 машиналари билан пуркалади.

Дорини ишлатишда шахсий ва жамоат хавфсизлиги қоидаларига қаттиқ риоя қилиш талаб этилади. Дори пуркашдан бир кун олдин бу тўғрида маҳаллий аҳолини яхши хабардор қилиб қўйиш, шу билан бирга дори пуркаш маҳалида қаттиқ карантин ўрнатиш керак. Карантин фақат дори пуркаладиган майдоннинг ўзидагина эмас, балки унинг юз метргача атрофидаги майдонларга ҳам жорий қилинади. Меркаптофос пуркалган майдонларга 2-3 кунгача одам юборилмайди.

Ўтган йил Янгийўл районидаги Ленин номли, Ворошилов номли, Маленков номли колхозларда ўргимчаккана жуда кўпайиб кетган майдонлар меркаптофос билан дориланди. Бу майдонларда дорилашдан кейин бир ярим ойгача ўргимчаккананигина эмас, балки бошқа сўрувчи зараркунандалар ҳам кўринмади. Ҳолбуки меркаптофос пуркалмаган бошқа далаларни бу даврда олтингугуртли дорилар билан 3-4 марта ишлашга тўғри келди.

Бу йил Янгийўл, Ўртасарой, Сирдарё ва бошқа районлардаги кўпгина колхозларда ғўзалар ўргимчаккана, ширага ва трипсга қарши меркаптофос билан дориланди. Бу тадбир ғўзани қайта-қайта дорилаш ташвишидан халос қилиб, колхозда зараркунандаларга қарши кураш ишлари билан банд бўлган кўпчилик кучни бошқа ишларга жалб этишга имкон беради.

Меркаптофос шунга ўхшаш октаметил каби янги дориларни ишлатиш натижасида биз ғўзани ва унинг ҳосилини заррали сўрувчи ҳашаротлардан ўз вақтида тула сақлаб қолиш имкониятига эга бўламиз.

С. БОНДАРЕНКО,
энтомолог агроном.

☆

Мавсум мажбурияти бажарилди

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида ғўза парвариши ўз вақтида ва юқори сифатли ўтиши учун 1- МТСнинг илғор универсалчиси ўртоқ Ортиқбой Оққулов ўзининг фидокорона меҳнати билан жуда катта ҳисса қўшмоқда.

Ўртоқ Оққулов КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган мурожаатига жавобан мавсумда 1200 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олган эди. У, 30 июнгача 1427 гектар ерда ғўзани культивация қилиб, ўз мажбуриятини ошириб бажарди.

Ўртоқ Оққулов ўз иши техникасини яхши эгаллаган ўста универсалчи. У фақат техниканигина билиб қўяқолмасдан агротехниканинг асосий масалаларини ҳам яхши ўрганиб олган. Илғор механизатор ғўза парваришида ишнинг сифатига айниқса зўр эътибор беради, ҳар туп ғўзани кўз-қорачиғидай сақлайди.

Ишбилармонлиги, интизомлилиги, унумли ва сифатли меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган ўртоқ Оққулов яна 500 гектар ерда ғўзани культивация қилиб бериш учун қўшимча мажбурият олди.

З. БОЛТАЕВ.

Камида 30 центнердан ҳосил учун

Ўтган йил пахтачиликда прогрессив усулларни дадиллик билан қўллаган Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари ҳар гектар ерда 24,5 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш планини муваффақият билан бажарган эдилар.

Бу йил колхоз аъзолари ўз муваффақиятларини янада мустаҳкамлаб, 500 гектар ерда ғўзани квадрат-уялаб ўстирмоқдалар. Ҳозиргача барча майдонларда ғўзалар икки марта комплекс парваришдан чиқарилди. 1-МТС механизаторлари билан ҳамкорликда ишлаётган коммунистлардан Шоҳобозов, Ўтаев ва Чўлпонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда агротехника қоидаларига айниқса пухта амал қилинганлиги учун ёппасига гуллаган ғўзалар кундан-кунга кўсакларни кўпайтирмоқда. Ҳозир ҳар уядаги ғўзаларда 3-4 тадан кўсак бор.

Колхоз аъзолари социалистик мусобақани янада кучайтириб ҳар гектар ерда 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

А. МУҲАМЕДОВ,
С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Моҳир сувчи

Раимқул ака Муқимовни Сирдарё районидаги Каганович номли колхознинг ҳамма аъзолари ҳурмат қиладилар. Унинг номини «уста сувчи» деб атайдилар. Ҳозир Раимқул ака колхознинг 4-бригадаси пахта майдонларини суғормоқда. У суғоришни кечаси ҳай усулида ўтказаётир.

Раимқул ака ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплаш сувидан ҳам қунт билан ҳалол меҳнат талаб қилишни яхши билади. Шунинг учун ҳам у ғанимат кунлардан тўла ва унумли фойдаланиб, ҳар бир эгатдаги ғўзанинг қониб сув ичишини таъминлаш учун курашаётир.

Колхознинг 3-бригадасида ишлаётган Рўзиқулов, 6-бригада сувчиси Иброхимов ўртоқлар ҳам Раимқул акадан ўрнак олаётирлар.

Қ. КЕНЖАЕВ.

Аҳди билан иши бир аёл

Бу воқеа бундан икки йил илгари бўлиб ўтган эди. Гуласал опа фермада сут соғиш истагини билдириб, колхоз правлениесига ариза ёзди. У, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш ҳақидаги қарорини эшитгач, шу шарафли ишга жазм қилган эди. Колхоз правлениеси унинг илтимосини қондирди. Гуласал опага 11 бош жайдари соғин сигир топширилди. Гуласал опанинг бу соҳада ишлаши биринчи бор эмас эди. У ҳали ёш экан, онасига қарашар, сигир соғар ва қандай қилиб кўп сут соғиб олиш ҳақида фикр юритарди. Ёшликдан ортдирган ана шу тажрибалари унга қўл келди, унинг 3-4 кун ичидаёқ бошқа сут соғувчилардан ўзиб кетишга, сут маҳсулотлари олишда янги муваффақиятларни қўлга киритишга гаров бўлди. Гуласал опанинг меҳнатсевардлиги, ўз соҳасини яхши билганлиги тез орадаёқ колхоз правлениесига маълум бўлди. Правление аъзолари ўртасида: «Гуласалга ишониб яхши иш қилган эканмиз, у бизнинг ишончимизни оқлаяпти» деган яхши гап тарқалди.

Гуласал опа фермада фақат ўз соҳаси билан ўралашиб қолмади. У мол боқувчиларни ҳам ғайрат билан ишлашга, соғин сигирларни яхши парвариш қилиб, ўз вақтида озиқлантириш ва суғоришга одатлантирди.

— Мўл сут олишнинг ўзи бўлмайди,— дейди уларга Гуласал опа. — Сигирлар ҳам «тўйдирсанг бераман» дейдилар. Ўзингиз вақтида овқатлана олмасангиз тоқат қилиб туролмайсиз-ку?!

Илғор сут соғувчининг бу фикри чиндан ҳам тўғри эди. Мол боқувчилар унинг фикрини ёқладилар, ўз ишларида кескин бурилиш ясадилар. Соғин сигирлар парваришига яхши эътибор берилганидан кейин сут маҳсулоти олиш ҳам кундан-кун кўпая бошлади. Гуласал опа ва унинг дугоналари ҳар бош соғин сигирдан кунига 3-4 литрдан сут соғиб олаётган бўлсалар, энди 5-6 литрга етказдилар. Гуласал опа ўтган йили эришган муваффақиятларидан қаноатланмади. У бу йил бошқача куч ва бошқача ғайрат билан ишлай бошлади. Аввало у сут соғишда дугоналари билан ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб юборди, бошқалар қатори ўз зиммасига йил охиригача ҳар бир соғин сигирдан 1200 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олди.

Жайдари сигирларнинг ҳар биридан 1200 килограммдан сут соғиб олиш чиндан ҳам катта меҳнат талаб қилади. Гуласал опа ўз ваъдасидан қайтадиган аёл эмас. У бой тажрибаларини ишга солиб мусобақадошларидан ўзиб кетди. Ҳалол меҳнатнинг самаралари тез орада кўзга кўрина бошлади. Гуласал опа ўзига бириктирилган ҳар бир бош сигирдан 8-9 килограммдан сут соғиб олишга эришди. Шундай қилиб, илғор сут соғувчи бир йиллик сут топшириш планини ярим йил ичидаёқ шараф билан бажарди. У топширган сут 28 майдаёқ 13200 килограммни ташкил этди. МТС рахбарлари уни қиммат баҳо буюмлар билан мукофотладилар. Бундан руҳланган Гуласал опа шу кунларда ўз зиммасига янги мажбурият олиб, йил охиригача қўшимча равишда ҳар бир бош сигирдан 1200 килограммдан сут соғиб олиш учун курашмоқда.

Гуласал опанинг ғайратидан, унумли меҳнатидан кўриниб туриптики, у янги мажбуриятни ҳам шараф билан бажара олади.

Ўрта Чирчиқ районидаги Каганович колхозининг илғорлари чорвачиликни ривожлантириш учун ана шундай курашаётирлар.

Илғор сут соғувчилар

Кечки пайт. Янги типда қурилган молхонада иш қизғин боряпти. Бир неча йилдан бери бир-бирлари билан мусобақалашиб ўзларига бириктирилган сигирлардан мўлкўл сут маҳсулоти олиш учун курашаётган илғор сут соғувчилар бугун кечагидан кўра меҳнат унумини ошириш мақсадида ғайрат билан ишламоқдалар.

Мана беш йилдан бери сут соғиш билан машҳур бўлиб келаётган Ўртоқ Шек Вери. Унга бу йил 16 та соғин сигир бириктирилган. Шек Вери ўз зиммасига ҳар бир соғин сигирдан 2 минг литрдан сут олиш мажбуриятини олган. У бу аҳдига амал қилиб шу кунгача ҳар бир сигирдан 1680 литрдан сут соғиб олди. Ўртоқ Шек Вери билан мусобақадош Ўртоқ Чирвон Пардабоева ҳам касбдошидан орқада қолмаслик учун ҳаракат қилиб, 16 бош сигирнинг ҳар биридан 1500 литрдан сут соғиб топширди.

Бу фермада меҳнат яхши уюштирилган. Сут соғувчиларнинг иш шароити яхшиланган. Улар илгаригидек қўл билан эмас, ҳамма сигирларни автодоилка ёрдамида соғадилар. Фермадаги барча ишлар механизациялаштирилган. Суғориш, озиқлантириш каби асосий ишларнинг ҳаммаси шу механизация кучи билан бажарилади. Шунингдек колхоз правлениеси соғин сигирларни ёппасига қўлда боқишга кўчирди. Сигирларни яхши озиқлантириш мақсадида 1955 йилда 8 гектар ерга маккажўхори экиб, ундан 340 тонна силос тайёрланган эди. Бу йил 30 гектар ерга экилган маккажўхори сифатли парвариш қилинаяпти. Колхоз ана шу маккажўхоридан 900 тонна силос тайёрлашни планлаштирган. Кўрилаётган ана шундай тадбирлар натижасида соғин сигирлардан сут маҳсулоти олиш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Колхоз бўйича 1954 йилда ҳар бош соғин сигирдан 840 литрдан, ўтган йили 1557 литрдан сут соғиб олинган бўлса, бу йил шу кунгача ҳар бир соғин сигирдан ўрта ҳисобда 1600 литрдан сут соғиб олинди. Шунинг натижасида колхоз бўйича давлатга сут топшириш мажбурияти 1 майдаёқ ортиги билан бажарилди.

— Соғин сигирларнинг қўлда боқилиши, уларнинг озиқ-овқат билан мўл-кўл таъминланиши, сут соғувчиларимизнинг астойдил ишлаши туфайли сигирлардан кўпроқ сут соғиб олина бошланди, — дейди ферма мудири Ўртоқ Т. Юсупов.

Молхона ҳар доим тоза туради. Сигирлар белгиланган зоотехника мудатларида озиқлантирилади ва суғорилади. Шунингдек сигирларни бир кунда икки маҳал бир ярим соатдан белгиланган режимга мувофиқ далага олиб чиқиб айлантирамиз. Мана шу тадбирлар ҳам сут маҳсулотини оширишда катта роль ўйнамоқда.

Фермада сут соғувчиларнинг меҳнат кунларини ҳисобга олиш тартибга солинган. Улар ўртасида социалистик мусобақа байроғи баланд кўтарилган. Бу нарса соғувчиларни ҳалол меҳнатга рағбатлантирмоқда. Улар ҳар бир соғин сигирдан 2000 литрдан сут соғиб олиш учун қилган аҳдларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар.

Р. НАЗАРҚУЛОВ,
Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз.

Маккажўхорининг иккинчи комплекс парвариши тугалланди

Гулистон районидаги Фрунзе номли колхоз аъзолари пахтачилик билан бир қаторда маккажўхоридан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Айниқса, ўртоқ Ҳ. Йўлдошев бошлиқ қариялар бригадасининг иши диққатга сазовордир. Бригаданинг 80 гектар майдонидаги маккажўхори уэунасига ва кўндалангига икки марта культивация қилиниб, минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Маккажўхоридан мўл ҳосил олиш ишида Ж. Эгамқулов, Б. Эшонқулов, У. Норйигитов каби қариялар фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Шунингдек Молотов номли колхознинг И. Назаров бошлиқ маккажўхоричилик бригадасида ҳам ишлар қизитиб юборилган. Бригаданинг 55 гектар ери даги маккажўхориси икки марта комплекс парвариши қилингандан кейин иккинчи марта қондириб суғорилмоқда. Маккажўхори парваришини илғор агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда олиб борааётган сувчилардан Ғ. Расулев, Т. Боймуродов, универсалчи Р. Тошпўлатов ўртоқлар кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Яхши парвариш қилинаётган маккажўхорилар соғлом ва яхши ривожланиб, сўта чиқармоқда.

М. АБДУРАИМОВ.

Оҳангарон колхозларида маккажўхори парвариш қилинмаётир

Бу йил Оҳангарон районидаги колхозларда 1500 гектар ерга маккажўхори экилиб, бу экин майдони ўтган йилга қараганда уч баравар кўпайтирилди. Колхозлар маккажўхори экишга эдилар-у, лекин кўпчилик майдонларда унинг парвариши тамомила ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган.

Калинин номли колхозда 70 гектар ердаги маккажўхори экини пахтачилик бригадаларига 10-12 гектардан бириктириб қўйилган. Бу бригадаларнинг бошлиқлари «ғўза парваришида бандмиз» деган баҳона билан маккажўхорини деярли парвариш қилмай қўйганлар. Масалан, бригада бошлиқларидан ўртоқ С. Бойназаров ўзига қарашли 60 гектар ердаги ғўзани бир, икки марта культивация қилган бўлса ҳам, лекин 11 гектар ердаги маккажўхорининг ҳалигача яганаси тугалланмаган. Маккажўхорини суғориш, чопиқ қилиш ҳам унутилиб қўйилганлиги учун белгона ўт ўсиб ётибди, ўсимлик эса саргая бошлаган. Агар бу ҳол бундан кейин яна давом этаберса маккажўхорининг қуриб қолиши турган гап. Колхознинг ўртоқ М. Йўлдошев бошлиқ бригадасидаги 12 гектар маккажўхори ҳам жуда ёмон парвариш қилинаётир. Колхоз раиси ўртоқ И. Нишонов маккажўхори экинининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганини яхши билади. Бироқ у бу аҳволни тузатиш тўғрисида мутлақо ўйламаётир.

Андреев номли колхозда 90 гектар ерга маккажўхори экилиб, бунинг учун махсус бригада ташкил этилган. Бу яхши иш. Бироқ бригаданинг иши устидан ҳеч қандай контроллик ва талабчанлик бўлмаганидан бу колхозда ҳам маккажўхори парвариши яхши олиб борилмаётир. Ҳалигача маккажўхори яганаси тугалланмаган. Кўпгина майдонларда экин суғорилмасдан, чопиқ қилинмасдан турибди. Бегона ўт зўр бериб ўсиб, экинни борган сари қўмиб юбормоқда. Айниқса, 2-МТСнинг ёнгинасидаги 18 гектар ердаги экиннинг аҳволи жуда ачинарли.

Шундай қилиб, Оҳангарон районидаги кўпгина колхозларда бу йил ҳам ўтган йилдагига ўхшаб маккажўхори ўғай экин бўлиб қолаётир.

Райком пленумларида, партия активи йиғилишларида ва тез-тез чақириладиган ҳар хил кенгашларда яқин вақтларгача чорвачилик ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, биринчи навбатда маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш учун курашиш тўғрисида жуда кўп гапларни айтилади, қарорлар чиқарилади, турли тадбирлар белгиланади. Бироқ район ташкилотлари бу гапларга, қарорларга амал қилмайдилар, тадбирларнинг қандай амалга оширилаётганлигини бутунлай унутиб қўйдилар. Шунинг учун маккажўхори парваришида ўтган йилги камчилик ва хатолар бу йил ҳам такрорланмоқда.

Оҳангарон район партия, совет ташкилотлари ва МТСлар маккажўхори экинига бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришлари, экин парваришининг ўзибўларчиликка ташлаб қўйилишига барҳам беришлари керак.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

Янгийўлликлар ўз мажбуриятларига яраша ишлашлари керак

Янгийўл районидаги Хрушчев номли колхоз аъзолари 405 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Колхознинг кўпгина бригадалари мўл ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳар бир туп ғўзани сақлаб қолиш, унинг серҳосил бўлишини таъминлаш мақсадида барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Масалан, Нидо Шабладзе бошлиқ бригада аъзолари йил бошидан бери фидокорона меҳнат қилиб, 90 гектар ернинг ҳар гектарида 85 минг тупдан ғўза бўлишини таъминладилар. Улар бу ғўзаларни агротехника қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда парвариш қилиб, барвақт гуллатиб олдилар. Ҳозир бу бригаданинг ҳар туп ғўзасида ўртача 2 тадан кўсак бор. Зиё Катладзе бошлиқ бригада аъзолари ҳам шу хилда иш олиб бориб, ҳар гектар ерда 88 минг тупдан ғўза бўлишини таъминладилар.

Лекин бу колхознинг ҳамма бригадаларида ғўзалар бир текис ривожланиб, ҳосилга кирмоқда, деб бўлмайди. Ўртоқ Гоипов бошлиқ бригада аъзолари 65 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Бироқ бу бригадада ғўза кўчатлари мажбуриятга яраша тўла таъминланмаган. Бундан ташқари бригаланинг 10 гектар ерида ғўза ниҳоятда сийрак бўлиб қолган. Умуман колхоз бўйича 40 гектар ердаги ғўза ривожланишдан қолаётир. 10 гектар ерда эса мутлақо кўчат йўқ, деса бўлади. Бу ҳол мавжуд ғўзаларни июль ойида янада яхши парвариш қилишни талаб этади.

Аммо Хрушчев номли колхозда ўтказилаётган трактор культивациясининг сон ва сифати қаноатланарли эмас. Колхозда 5 та универсал бор. Бирорта ҳам тракторчи кундалик культивация нормасини бажармайди. Умуман айтганда 1-МТС бу колхоз билан тузган шартномасини адо этмаётир.

Хрушчев номли колхознинг 5-6 бригадаларида сув етишмайди. Ҳозиргача бу колхозга 32 километрлик масофадан сув келар, етарли миқдорда сув берилишига қарамай, ҳамиша сув танқис бўларди. Бу масала йил бошидаёқ район ташкилотларига маълум қилинган, сувни 8 километрлик масофадан келтириш тадбирлари белгиланган, бу вазифани бажариш биринчи МТСга топширилган эди. Бироқ 1-МТС шу вақттача бу ишни ҳал қилиб бермади. Натижада этак томондаги бригаларда сув етарли бўлмаётир. Қариб 50 процент сув бугланиб ва ерга сингиб йўқ бўлмоқда. Агар иш шу зайлда давом эта берса, колхозни бу йил сув танқислигидан қутқариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳозир, айниқса 5-6 бригадаларда ғўзалар чанқатиб қўйилмоқда, ғўзалар шона, ғулларини ташлаб юборяпти.

Шу колхоз билан қўшни бўлган Молотов номли колхоз камқувват, кўп йиллардан бери пахта тайёрлаш планини бажармайди. Бу колхозни қолоқликдан чиқариш учун барча имконият, энг муҳим шароит бор. Бу колхозни қолоқликдан чиқариш учун ер ҳам, ишчи кучлари ҳам, механизация ҳам етарли. Лекин ҳозиргача бу моддий ресурслардан тўғри фойдаланиш, пахтачиликни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун жуда суст ҳаракат қилинмоқда.

Колхозда 710 гектар пахта майдонининг 100 гектаридаги ғўза ривожланишдан орқада қолган, ёввойи ўтлардан тозаланмаган. Бу ғўзаларни қўшимча парвариш қилиш ишига қўшни Ворошилов номли колхоз аъзолари келиб ёрдам бермоқдалар. Бу жуда яхши, албатта. Лекин колхозга четдан одамлар келиб ёрдам бераётгани ҳолда колхознинг ўзидаги мавжуд ишчи кучларидан унумли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш тўғрисида бош қотирилмаётир.

Масалан, Олим Гоипов бошлиқ бригаданинг Нишонбой Азимов звеносида бир талай колхозчилар юрибди. Текширишла шу нарса аниқ бўлдики, бу ердаги ғўзаларни чопиқ қилмаса ҳам бўлар экан. Чунки икки-уч кун илгари сифатли культивация қилинган ғўза қатор ораларида битта ҳам ўт йўқ.

Аммо колхоз раҳбарлари бунга аҳамият бермай, иши бирмунча яхши, ғўзасини ўтдан тозалаб олган бригада, звенолардан ғўзаси ўт босган ерларга ёрдамчи куч юбориш тўғрисида ўйламаётирлар.

Агар иш шу билан чегараланганда ҳам бир нав эди. Бу ерда ишлаётган Салташева, Абдусаломова сингари айрим кетмончилар мана шу ерда якка-якка турган кўпгина ғўзаларни «ягана» баҳонаси билан қоқ белидан чопиб ташлаганлар. Картанинг ўртасига борган киши айрим колхозчилар томонидан 7-8 та шонаси бор, гуллаб турган кўпгина ғўзаларнинг масъулиятсизлик билан чопиб ташлаганини кўриб ачинади. Ҳар туп ғўзани кўз қорачиғидай асраб, парвариш қилиш талаб этилаётган ҳозирги пайтда бригада бошлиғи Гоипов ҳам, звено бошлиғи Азимов ҳам, табельчи Абдурахмонов ҳам иш устидан контроллик қилмай қўйганлар. Уларнинг ўзлари далада кўринмайдилар.

Колхоз раиси Холиқулов, партия ташкилотининг секретари Ортиқалиев, колхоз агрономи Султонов ўртоқлар: «шу кунларда ҳар гектар еримизда кам дегандa 90 минг тупдан кўчат бор, ўтган йилдагидан кўра ишимиз яхши...» дейдилар. Шундай қилиб улар ҳалитдан ўринсиз турурлана бошлаганлар. Натижада колхозда юз бераётган камчиликларни унча сезмайдиган бўлиб қолганлар. Афтидан улар колхоз бўйича 100 гектардан ошиқ ердаги ғўзанинг ривожланишдан орқада қолаётганлигини ва жуда сийраклигини унутиб қўйганга ўхшайдилар.

Янгийўл районидаги «XIX партсъези» колхозида ҳам ғўза парвариши яхши олиб борилаётир, деб бўлмайди. Ҳамма бригадаларда ҳам Бекматов, Мўминов, Юнусов ўртоқлар бошлиқ бригадалардаги сингари ғўза парвариши яхши эмас. Колхозда 60 гектардан ошиқ ердаги ғўза сийрак ва яхши ривожланмаган. Айниқса, Шопўлатов, Қурбонова, Оримбоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда 14-18 гектаргача ердаги ғўза ўсишдан орқада қолган. Бу колхозда ҳалигача ғўзани иккинчи озиқлантириш тамом бўлмаган. Айрим бригадаларда сувдан кейин ғўзани ўз вақтида культивация қилишга эътибор берилмаяпти. Натижада ер қуриб, ёрилиб кетган. Ўртоқ Қурбонова бошлиқ бригаданинг темир йўлга яқин бир бўлак еридаги ғўзаси сувдан чиқарилганига бир неча кун бўлгани ҳолда, культивация қилинмаган. Бу ерда ўқариқ ўз вақтида текислаб берилмаганидан шу ерда ишлаши зарур бўлган трактор икки-уч кунлаб бекор туриб қолган. Ҳолбуки, бошлиқ 4-бригадада СУЗга ўз вақтида ўтит тайёрлаб берилмагани учун трактор бекор турибди.

Янгийўл районидаги бир қанча колхозларда юқорида қайд этилгани сингари камчиликларни кўплаб учратиш мумкин. Областимизда салмоқли ўрин тутган, ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган Янгийўл районида юқоридаги каби камчиликларга сира йўл қўйиб бўлмайди. Янгийўлликлар ўз мажбуриятларига яраша ишни пухта уюштиришлари, бор камчиликларни тезда бартараф этишлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Осиё мамлакатлари энергетиклари делегациясининг Москвада бўлишига доир

БМТ Осиё ва Узоқ Шарқ экономика комиссиясининг энергетиклар делегацияси Москвада меҳмон бўлиб турибди. Делегация составидаги мутахассислар — Ҳиндистон, Покистон, Таиланд, Индонезия ва Япония вакиллари электростанциялар қуриш ва уларни ишлатиш усуллари билан танишмоқдалар.

6 июлда делегацияни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Электростанциялар министри Г. М. Маленков қабул қилди. Сўнгра, меҳмонлар Электростанциялар министрлиги ва Электростанциялар қуриш министрлигининг раҳбар ходимлари билан узоқ вақт суҳбат қилдилар.

7 июлда делегация аъзолари Ногинскка бориб, бу ерда 400 киловольт кучга эга бўлган подстанцияни кўздан кечирдилар. Улар тушдан кейин «Мосэнерго»нинг марказий диспетчерлик пунктини бориб кўрдилар. (ТАСС).

СССР қишлоқ хўжалик мутахассислари делегациясининг Англияда бўлиши

ЛОНДОН, 7 июль. (ТАСС). Англияда меҳмон бўлиб турган СССР қишлоқ хўжалик мутахассислари делегацияси Буюк Британиянинг қишлоқ хўжалиги билан танишишни давом этдирмоқда. Делегация дастлабки тўрт кун ичида Ньюкаслда очилган қишлоқ хўжалик виставкаси билан танишди.

Англия жамоатчилиги совет меҳмонларининг Англияда бўлишини қизиқиб кузатиб турмоқда. Делегацияни деҳқончилик, балиқчилик ва озиқ-овқат министри Хиткот-Эмори қабул қилди. Дарем графлигининг кенгаши, шунингдек бу графликлари қишлоқ хўжалик жамияти совет меҳмонлари шарафига бир неча марта қабул маросими ўтказдилар. Делегация бошлиғи В. В. Мацкевич ва академик П. П. Лобанов виставка президенти Нортумберленд герцоги томонидан королича-она шарафига берилган қабул маросимида ҳозир бўлдилар.

Дарем графлигида совет делегатлари қишлоқ хўжалик мактабининг тажриба станцияси билан танишдилар.

Совет делегацияси икки группага бўлинди. В. В Мацкевич бошчилигидаги бир группа Шимолий Англиядаги қишлоқ хўжалиги билан танишади, академик П. П. Лобанов бошчилигидаги иккинчи группа Шимолий Ирландияга учиб кетди.

Совет Иттифоқининг Шарқий Покистон аҳолисига ёрдами

КАРАЧИ, 8 июль. (ТАСС). «Иван Ползунов» номли совет пароходи Карачи портига келди. Бу, табиий офатдан зарар кўрган Шарқий Покистон халқига совга тариқасида СССРдан бугдой келтирган учинчи пароходдир.

Пароход бортида ана шу совгани Покистон ҳукуматининг вакилларига топшириш маросими ўтказилди.

Покистон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик министри Абдул латиф Бисвас ана шу қимматли ёрдам учун Покистон халқи ва ҳукуматининг СССР халқига ва Ҳукуматига миннатдорчилигини ҳамда ташаккурини билдирди.

Совет кинооператорлари Ҳиндистон тўғрисидаги ҳужжатли фильмни суратга олиб бўлдилар

ДЕҲЛИ, 7 июль. (ТАСС). Ҳиндистонда Ҳиндистон тўғрисидаги тўла метражли рангли бадиий-ҳужжатли фильм суратга олиниб бўлди. Бу фильмни Ҳиндистон ҳужжатли кинематография ходимлари билан ҳамкорликда совет операторлари суратга олдилар.

Польша ҳукумати АҚШ ҳукуматига норозилик билдирди

ВАШИНГТОН, 7 июль. (ТАСС). Кеча Польша Халқ Республикасининг АҚШдаги элчиси Р. Спасовский АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Мэрфи ҳузурида бўлиб, давлат департаментининг матбуот масалалари билан шуғулланувчи вакили Уайтнинг Польшадаги аҳвол тўғрисида 29 июнда давлат департаменти номидан қилган баёноти муносабати билан Польша ҳукуматининг норозилик нотасини топширди.

Спасовский матбуот вакилларига Польша ҳукумати бу баёнотни АҚШнинг Польшадаги ички ишларга аралашуви деб ҳисоблайди, деган.

Ғарбий герман бундестаги умумий ҳарбий мажбурият жорий қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди

БОНН, 7 июль (ТАСС). Ҳукуматнинг умумий ҳарбий мажбурият жорий қилиш тўғрисидаги қонун проекти юзасидан ярим кечагача давом этган дискуссиядан кейин ғарбий герман бундестаги қонун проектини овозга қўйди. Овоз беришда 456 депутат қатнашди. Умумий ҳарбий мажбурият жорий қилиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишини ёқлаб ҳукумат коалициясидаги (ХДС-ХСС, «немис партияси» ва «эркин халқ партияси») депутатлари— 270 киши овоз берди. Германия социал-демократик партиясидан ва «умумгерман блоки»дан бўлган 166 депутат қарши овоз берди. Эркин демократик партияга мансуб бўлган 20 депутат овоз беришда бетараф қолди.

Бундестаг қабул қилган қонун уни бундесрат маъқуллагандан кейин кучга киради.

БМТнинг қуролсизланиш комиссиясида

НЬЮ-ЙОРК, 7 июль. (ТАСС). БМТ қуролсизланиш комиссиясининг кечаги мажлисида Эрон вакили сўзлади.

Эрон вакили Абдоҳ давом этаётган зўр бериб қуролланиш, айниқса ялпи қирғин қуролини тўплаш катта мамлакатларнинг ҳам, кичик мамлакатларнинг ҳам тинчлиги ва хавфсизлиги учун нақадар катта хавф туғдираётганлигини уқтириб ўтди.

Эрон вакили БМТнинг асосий вазифаси халқларни уруш хавфидан халос қилишдан ва тинчликни таъминлашдан иборат эканлигини эслатиб, зўр бериб қуролланишни тўхтатиш йўлида яна куч-ғайрат сарфлашга чақирди. Бу ишда, деди у, буюк давлатлар зиммасига айниқса катта масъулият юклатилгандир.

Абдоҳ қуролли кучларни ва қурол-яроғларни камайтириш тўғрисида 27 мартда БМТ қуролсизланиш комиссиясининг кичик комитетига тақдим этилган совет таклифига тўхталиб, уни қуролсизланиш ҳақидаги масалада олга қараб қўйилган қадам деб баҳолади. Эрон вакили Совет Иттифоқининг ўз қуролли кучларини камайтиришдан иборат бўлган ташаббусини табриклади. У, давлатларнинг ўз қуролли кучларини ва қурол-яроғларини бир томонлама камайтиришлари халқаро вазиятни яхшилаши ва халқаро ишонч вужудга келтирилишига ёрдам бериши мумкин, деди. Бироқ, шу билан бирга у қуролли кучларни ва қурол-яроғларни бир томонлама камайтиришнинг аҳамиятини камайтириб кўрсатишга уринди, чунки қуролли-кучларни ва қурол-яроғларни бу хилда камайтириш халқаро контроль ўрнатиш билан боғланмаган ва ялпи қуролсизланиш программаси доирасидан ташқарида ўтказилмоқда, деди.

Эрон вакили қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи кичик комитетнинг иши муваффақиятсиз бўлиб чиққанлигини ва ҳатто қисман бўлса ҳам бирор битимга олиб келолмаганлигини қайд қилиб, БМТ қуролсизланиш комиссияси пассив бўлиб қолмаслиги ва докладни маълумот учун қабул қилиш билангина қаноатланмаслиги лозим деди. Комиссия, деди у, кичик комитет ўз ишини янгидан бошлаганидан кейин ўз фаолиятини қайси йўл билан олиб бориши кераклигини кўрсатиши лозим.

Абдоҳ бундай деди: Модомики, ҳозирги халқаро вазият қуролсизланишнинг умумий программаси тўғрисида ҳозирги вақтда битимга келиш имкониятини бермаётган экан, демак торроқ план ишлаб чиқилиши лозим. Бу хил план, деди Эрон вакили, қурол-яроғларни камайтиришни ва атом қуроли ҳақида баъзи тадбирларни, жумладан уни ишлаб чиқишнинг тўхтатилишини ўз ичига олиши лозим. Шу билан бирга у ғарбий давлатлар тақдим этган резолюция проектини қўллаб-қувватлади.

Эрон вакили комиссия муҳокамасига совет вакили тақдим этган декларация проектининг афзаллигини қайд қилиш билан бирга, комиссия таклиф этилган бу декларацияни қабул қилишга ҳақли бўлмаса керак деб шубҳа билдирди.

ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёноти

БЕРЛИН, 8 июль. (ТАСС). Бугун «Нейес Дейчланд» газетасида Германия Бирлашган социалистик партияси (ГБСП) Марказий комитети Сиёсий бюросининг баёноти эълон қилинди. Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитетининг «Шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида»ги қарорини табриклаган ва партиянинг барча аъзоларига ҳамда партия ташкилотларига бу муҳим ҳужжатни чуқур ўрганишни тавсия қилмоқда.

ГБСП Сиёсий бюроси ғарбий мамлакатларда муайян доиралар юргузаётган антисовет ва антикоммунистик кампанияга тўхталиб, бундай деб кўрсатади: Ўз-ўзидан маълумки, душманчиликдан иборат пропаганда Германиядаги социалистларнинг ва прогрессив кучларнинг Совет Иттифоқи билан бўлган дўстлигини бузишга уринмоқда. Лекин биз унутганимиз йўқ ва ҳеч қачон унутмаймизки, Совет Иттифоқи немис халқини ҳам фашист герман империализмининг кишанларидан озод қилди. Биз ҳеч қачон унутмаймизки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқаро революцион ишчилар ҳаракатининг социализм ва коммунизм сари олга қараб бориш йўлида илғор отряди бўлди ва бундан буён ҳам илғор отряди бўлади. Ана шунинг учун биз ҳар қачондагидай ҳозир ҳам немис ва совет халқлари ўртасидаги дўстликни, немис ишчилар ҳаракатининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан қардошларча алоқасини қатъият билан ёқлаб чиқмоқдамиз.

ГБСП Сиёсий бюроси Германияда кескинликни юмшатиш ва иккала герман давлатини бир-бири билан яқинлаштириш мақсадида кейинги вақтда Германия Демократик Республикаси томонидан кўрилган тадбирларни ва қўйилган қадамларни бирма-бир санаб ўтиб, ГДР ҳукумати ва партия бундан буён ҳам ана шундай сиёсатни, немис халқининг манфаатларига жавоб берадиган сиёсатни юргизадилар, деб уқтириб ўтмоқда.

ГДРда йўл қўйилган хатолар ҳақида, жумладан қонунчиликка риоя қилиш билан боғлиқ бўлган масалада йўл қўйилган хатолар тўғрисида баёнотда шундай деб уқтириб ўтилмоқдаки, бу хатолар ва суиистеъмолларни «совуқ муносабатлар урруши» билан боғлиқ бўлган вазият вужудга келтирди ва улар ғарбдаги агентуранинг доимо юргизиб келаётган жиноий ҳаракатларидан ҳимояланиш зарурлиги натижасида пайдо бўлган эди, шунингдек ўша вақтда социалистик қонунчилик энергина барпо этилаётганлиги муносабати билан келиб чиққан эди.

Душманчиликдан иборат пропаганданинг, КПСС XX съездидан кейин компартияларда ўтказилаётган қизғин дискуссия гўё «халқаро коммунизмнинг кризисини» кўрсатади, деган даъволари асоссиз эканлиги баёнотда очиб ташланади.

Баёнотнинг махсус боби партияда, давлат аппаратида, оммавий демократик ташкилотларда шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш ишида партия олдида турган воситаларга ҳамда партия ҳаётида ленинча нормаларга риоя қилиш соҳасидаги вазифаларга бағишланган.

М. Рейманнинг радио орқали берган баёноти

БЕРЛИН, 8 июль. (ТАСС). Ғарбий Германияда ҳарбий мажбуриятни жорий қилиш тўғрисидаги қонун бундестагда қабул қилиниши муносабати билан Германия Коммунистик партиясининг Биринчи секретари Макс Рейман кеча демократик радио орқали баёнот берди.

Бундестагдаги Аденауэр кўпчилигининг демократияга қарши қаратилган ана шу қароридан кейин, деди М. Рейман, янги, жуда жиддий аҳвол рўй берди. Кишилар, ривожланиш бундан буён қандай бориши керак, деб савол бермоқдалар.

Макс Рейман бу саволга жавоб бериб, герман милитаризмининг тикланишига қарши, Аденауэр партиясининг ҳалокатли сиёсатига қарши немис халқининг кенг миқёсдаги бирликни уюштириш мумкин ва зарур эканлигини таъкидлади. Агар немис халқи, деди у, ана шу йўлдан бориши давом эттирадиган бўлса, барча тинчликсевар кишилар жиддашадиган бўлсалар, у ҳолда милитаризми енгиш ва ҳарбий мажбуриятнинг жорий қилинишига халақит бериш мумкин бўлади.

М. Рейман сўзини давом эттириб бундай деди: Бундестагда оппозициянинг қаршилигини енгиш мумкин бўлди. Аммо парламентдан ташқарида бундай қилиш мумкин эмас. Шу сабабдан милитаризм душманлари ўртасидаги ва хусусан ишчилар синфи партиялари ўртасидаги тафовут ва келишмовчиликларнинг ҳаммаси орқага сурилиши керак ва ўз ўрнини милитаризмга қарши ҳамда ҳарбий мажбуриятга қарши, Аденауэр партиясини мағлуб этишга қарши немис халқининг кенг миқёсдаги бирлиги уюштириш мумкин ва зарур эканлигини таъкидлади. Агар немис халқи, деди у, ана шу йўлдан дуйиятга учратиш учун биргаликда олиб бориладиган курашни ривожлантириш мақсадида ҳамжиҳатликка бўшатиб бериш керак.

Суданнинг янги ҳукумати

ҚОҲИРА, 8 июль. (ТАСС). Матбуотнинг билдиришига қараганда Суданнинг янги бош министри Абдулла Халил ҳукумат тузган. Бу ҳукуматга «Алуммо» партиясидан 6 вакил, янги ташкил қилинган халқ-демократик партиядан 6 вакил, Жанубий Судан либераллар партиясидан 3 вакил ва социалистик республикачилар партиясидан бир вакил кирган. Янги бош министр ва мудофаа министри Абдулла Халил «Алуммо» партиясининг бош секретаридир.

Суданнинг собиқ бош министри Азҳарий раҳбарлигидаги миллий-юнионистлар партияси янги ҳукумат составига кирмади.

Болгар кийим-кечак моделлари виставкаси

7 июлда Москвада, М. Горький номидаги Марказий маданият ва истироҳат паркида Болгариядаги хотин-қизлар, эркаклар ва болалар кийим-кечаклари моделларининг виставкаси очилди.

Виставка 7 июлдан 21 июлгача икки ҳафта давом этади. (ТАСС).

Польша Тунис ва Марокашнинг мустақиллигини таниди

ВАРШАВА, 7 июль. (ТАСС). Бугунги газеталарнинг хабарига қараганда, Польша Халқ Республикаси ҳукумати Тунис ва Марокаш ҳукуматларига нота юбориб, Польша бу иккала давлатни мустақил деб таниганлигини ҳамда улар билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга тайёр эканлигини билдирган.

Франция-Тунис музокаралари

ПАРИЖ, 8 июль. (ТАСС). Матбуотнинг билдиришига қараганда, Парижда ҳарбий масалалар ва бошқа масалалар юзасидан (Франция билан Тунис ўртасида «ўзаро боғлиқлик» ўрнатиш планларига доир масалалар юзасидан) олиб борилган Франция-Тунис музокаралари қатъий натижаларга олиб келмади. Франс Пресс агентлиги хабардор доираларга таяниб қуйидагиларни билдирди: Музокаралар давомида ҳар иккала томоннинг «тегишли позицияларини равшан белгилаш»гагина эришилди. Музокараларнинг қатнашчилари уч комиссия, яъни хавфсизлик масалари юзасидан, саёқ битимлари тўғрисидаги музокараларга доир процедура масалалари юзасидан ва Тунис радиосининг статутини ўрганиш юзасидан (Тунис радиосининг Жазоир тўғрисидаги эшитдириши сабабли Франция ва Тунис ўртасида, низо чиққанлиги муносабати билан) иш олиб борадиган комиссияларни тузишга қарор қилдилар. Шу комиссияларнинг ишлари томомланиши билан Франция ва Тунис министрлари яна учрашадилар.

Тунис Министрлар советининг Париж музокараларида Тунис делегациясига бошчилик қилган раиси Хабиб Бурғиба кеча кечқурун Тунисга қайтиб келди.

Италия қишлоқ хўжалик ишчиларининг кураши

РИМ, 8 июль. (ТАСС). Италиянинг қишлоқ хўжалик ишчиларидан икки миллион киши иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги талабни қувватлаб забастовка эълон қилган эди. Улар дастлабки муваффақиятга эришдилар. Забастовка кенг тус олиб кетганлиги сабаби помещиклар бирлашмаси ўзининг дастлабки позициясини ўзгартди ва умум миллий меҳнат шартномасини қайталаш кўриб чиқиш ва иш ҳақини ошириш масаласи юзасидан касаба союз ташкилотлари билан музокаралар бошлашга тайёр эканлигини билдирди.

Шу сабаблан қишлоқ хўжалик ишчилари ва батракларнинг касаба союз ташкилотлари 11 июлда бошланадиган музокараларнинг натижаларини кутиб туриш ниятида бутун забастовкани вақтинча тўхтатдилар.

Мерганларнинг халқаро мусобақалари

БУДАПЕШТ, 8 июль (ТАСС). Бугун Будапештда мерганлик спорти бўйича ўтказилган халқаро ўртоқлик мусобақалари тамом бўлди.

Совет мерганлари юксак натижаларга эришдилар. Кичик калибрли милтиқдан уч хил турнирда отиш бўйича биринчи ўринни 1173 очкога эга бўлган совет спортчиси Борисов олди. Иккинчи ўринга 1164 очкога эга бўлган совет спортчиси Иткис чиқди.

Кичик калибрли тўппончадан отишда биринчи ўринни мумкин бўлган 600 очкодан 559 очко олган швед Ульман олди. Иккинчи ва учинчи ўринларни 551 ва 548 очкога эга бўлган совет спортчилари Ўмаров ва Торин эгалладилар.

Кичик калибрли тўппончадан гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолиб турган қорага отишда биринчи ўринни мумкин бўлган 600 очкодан 592 очко билан СССР вакили Насонов олди. Бу натижа расмий жаҳон рекордидан беш очко ошиқдир.

Иккинчи ўринни эгаллаган совет спортчиси Черкасов 588 очкога эга бўлди.

Югураётган кийикка милтиқдан отишда совет спортчиси Романенко энг яхши натижага эришди. У мумкин бўлган 500 очкодан 432 очко олди. Иккинчи ўринга 429 очко олган венгер Кошич чиқди.

Кичик калибрли милтиқдан ётиб отишда Хоринек (Чехословакия) биринчи ўринни олди. У мумкин бўлган 600 очкодан 597 очкога эга бўлди.

Ҳиндистон қишлоқ хўжалик мутахассислари группасининг Ўзбекистонда бўлиши

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси қишлоқ хўжалик мутахассислари группаси Ўзбекистонда бир неча кун бўлди. Делегацияга Ҳиндистон парламентининг аъзоси Дас жаноблари бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги билан муфассал танишдилар. Улар бир қанча колхоз ва МТСларни, қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтларини, тажриба станцияларини, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари ишлаб чиқараётган саноат корхоналарини, қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлаётган олий ва ўрта-техника ўқув юртларини, маданий-маиший муассасаларни ва болалар муассасаларини бориб кўрдилар.

Ҳиндистон мутахассислари ЎзТАГ мухбири билан қилган суҳбатда Ўзбекистонда бўлган вақтда олган таассуротларини сўзлаб бердилар.

— Делегация аъзолари, — деди делегация бошлиғи Дас жаноблари, — Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг аҳволига яқинлик билан юксак баҳо бермоқдалар. Табиийдирки, биз даставвал Ҳиндистон билан Ўзбекистонда экилаётган экинлар билан — пахта, жут, каноп, шоли, узум, сабзавот етиштириш билан, шунингдек Ҳиндистон учун фойдали бўлиши мумкин бўлган экинлар билан қизиқдик. Биз аминмизки, сиздан кўпгина нарсаларни, эҳтимол, бир мунча ўзгартишлар билан ўрганиб олишимиз мумкин.

Ҳиндистон жут етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида олдинги ўринлардан бирида турибди, — деди ўз сўзини давом этдириб Дас жаноблари. — Агар Ўзбекистон ҳукумати жутнинг бизда экилаётган энг яхши сортларидан баъзиларини ўз ерингизда етиштириш имкониятини текшириб кўрса, жуда яхши иш қилган бўлур эди.

Кадрлар тайёрлаш ишига келганда, сиздаги ўқитиш системаси билан танишиб чиқишдан мен мамнун бўлдим. Қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлашда бу системани қўлланишга ҳаракат қиламиз.

Совет халқининг меҳнатсеварлиги, — деди Бомбай вилоятидаги шоликорлик мутахассиси Патель жаноблари, — менда катта таассурот қолдирди. Совет халқи зўр иштиёқ билан меҳнат қилмоқда ва кўпгина ишлар қилган. Бир вақтлар қақраб ётган ерлар қисқа муддатда кўм-кўк далаларга — пахта, жут, шоли ва бошқа экинлар далаларига айлантирилган. Пахта етиштириш ишлари билан танишиб чиқиш мени ғоят қизиқтирди. Сизда деярлик ҳамма ишлар механизациялаштирилган. Ана шунинг натижасида пахта ҳосили кескин суратда ошган. Буни ҳар қанча мақтаса арзийди. Бизларга пахта териш машиналарининг иши кўрсатиб берилди. Бу — совет инженерларининг катта муваффақиятидир. Ўзбекистон колхозлари пахта, жут, каноп етиштиришдан кўп даромад олмоқдаларки, бу эса, шубҳасиз, республиканинг ва бутун Совет Иттифоқининг гуллаб-яшнашига ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги делегация шарафига зиёфат берди. Зиёфат самимий дўстлик вазиятида ўтди.

8 июлда Ҳиндистон Республикаси қишлоқ хўжалик мутахассислари группаси Тошкентдан Киевга учиб кетди. Тошкент аэродромида меҳмонларни Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри М. В. Муҳаммаджонов, министр ўринбосарлари М. И. Кичанов, А. Н. Ступников, В. Е. Еременко, С. И. Эгамбердиев, М. И. Исамухаммедов, министрликнинг ходимлари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

Мактаб ўқувчиларининг IX спартакиадаси

8 июльда республика пойтахтидаги «Динамо» стадионида мактаб ўқувчиларининг Республика IX спартакиадаси очилди.

Соат 6 дан 30 минут ўтди. Байрамгидек безатилган стадионга республикамиз областларидан келган соғлом, эпчил, бақувват йигит ва қизлар — спартакиада қатнашчилари кириб келабошладилар. Уларни стадионга тўпланган тамошабинлар қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар. Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари ўртоқ Бобожонов спартакиада қатнашчиларига қарата табрик нутқи сўзлади. У шонли Коммунистик партия ва Совет Ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизда физкультура ҳамда спорт ҳаракатини янада ривожлантиришга катта ғамхўрлик қилинаётганлигини қайд қилиб ўтди. Ўртоқ Бобожонов ўз сўзининг охирида спартакиада қатнашчиларига янада катта муваффақиятлар тилади.

Шундан кейин VIII спартакиадада голиб чиққан Тошкент шаҳрининг энг яхши спортчилари IX спартакиада байроғини кўтарадилар. Майдонда Совет Иттифоқи Давлат гимнининг садолари улуғвор янграйди.

Парад бошланди...

Минбар олдидан республикамиз областларининг энг кучли спортчилари ўтадилар.

Стадионда IX спартакиада программаси асосида енгил атлетика, спорт гимнастикаси, баскетбол, футбол, узоққа сакраш, 100, 200, 400, 800 метрга югириш каби спортнинг жуда кўп турлари бўйича мусобақалар бошланади.

Мана, томошабинларнинг диққат эътибори футбол майдонида... Майдонда Тошкент футболчилари билан Андижон областининг командаси ўйнамоқда. Ўйиннинг биринчи бўлими 0:0 ҳисоби билан тугади.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида Тошкент футболчилари актив ҳужумга ўтадилар. Натижада бирин-кетин 3 тўпни киритган тошкентликлар 3:0 ҳисоби билан андижонликлар устидан ғалаба қозондилар.

Енгил атлетикачиларнинг мусобақалари ҳам жуда қизиқарли ўтди. 100 метрга ўтказилган финал югиришда тошкентлик Турманбетов яхши натижага эришди. У, бу масофани 12,1 секундда босиб ўтди. Шу масофани 13 секундда босиб ўтган тошкентлик Москалева қизлар ўртасида голиб чиқди.

Қизлар ўртасида узоқликдан югириб келиб сакрашда андижонлик Горохова яхши натижага эришди, у 4 метру 93 сантиметрга сакради.

Баскетбол бўйича бўлган мусобақаларда Андижон ва Сурхондарё область командалари учрашдилар. Бунда андижонликлар 40:35 ҳисоби билан сурхондарёликлар устидан ғалаба қилдилар.

Қизлар ўртасида ўтказилган баскетбол мусобақасида эса фарғоналик қизлар ўзларининг пухта тайёргарликларини намойиш қилдилар. Улар қашқадарёлик баскетболчи қизларни 44:20 ҳисоби билан ютдилар.

Шунингдек биринчи кунда спортнинг бошқа турлари бўйича ўтказилган мусобақалар ҳам жуда қизиқарли ўтди. Спартакиада мусобақалари 11 июлгача давом этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, IX спартакиада ташкилий комитети бу муҳим ишга юзаки қараган. Спартакиада кеч соат 6 да очилиши лозим бўлгани ҳолда анча кечикиб бошланди. Оркестр бўлмаганидан спорт маршлари магнитофон пленкасидан чалинди.

Шаҳар савдо ташкилотлари стадионда буфет, газ сув, лимонад савдоси ташкил қилишлари лозим бўлган ҳолда бу ишга масъулиятсизлик билан қараб, буфет ва газ сув будкаси ташкил этмаганлар.

М. МИРХУЖАЕВ.

Суратда: 800 метрга югуриш пайти.

Б. Мазур фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Юксак натижа

Олег Чувилин 1953 йилда Москвадаги зоотехника институтида ўқиб юрган пайтларидан бошлаб спортнинг кураш тури бўйича машғулотларга қатнаша бошлади. У институтни тамомлагач, Тошкентдаги Ипподромга зоотехник бўлиб ишга киради. Ўз касбини ва спортни севган Чувилин пятиборье — от спорти, қиличбозлик, отиш, сузиш ва югуриш бўйича системали тренировка ўтказа бошлади. Жисмоний жиҳатдан кучли бўлган бу ёш спортчи ўз кобилиятини синаб кўриш учун пятиборье мусобақаларида иштирок этди. Ниҳоят у 1954 йилда республика биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда қатнашиб иккинчи разряд нормасини топширишга муваффақ бўлди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари биринчилиги учун пятиборье бўйича 1954 йилда бўлиб ўтган мусобақаларда ўзбекистонлик спортчи Чувилин биринчи ўринни эгаллади. Шундан сўнг унга биринчи разрядли спортчи номи берилди.

Шу йил 10 июнда Тошкент спорт базаларида республика IX спартакиадаси программасига киритилган спортнинг 15 тури бўйича мусобақалар бошланди. «Урожай» кўнгилли спорт жамиятининг аъзоси, беш кураш бўйича республика терма командасининг старший тренери Олег Чувилин кучлилар мусобақасида голиб чиқиш учун астойдил беб боғлади. Моҳир спортчи Олег Чувилин беш кураш мусобақаларида 4665 очко олиб, спорт мастери нормасидан ҳам ортиқроқ кўрсаткичга эга бўлди.

Шунингдек Чувилин старший тренер бўлган беш курашчилар терма командасининг аъзоларидан Юрий Раздайбедин ҳам спорт мастери нормасини топширди. Л. Ким, В. Кравцов ва Б. Евцеевлар биринчи разрядли спортчи номини олдилар.

Чувилин — спорт мастери. Ёш спортчи бу юксак номни янада мустаҳкамлаш ва СССР халқлари спартакиадасида қатнашиб, республикамиз ишончини оқлаш учун қунт, сабот ва катта ғайрат билан тренировка машғулотларини ўтказди.

С. БОҚИЕВ.

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совет ижроия комитети Тошкент шаҳар Советининг барча депутатларига маълум қиладики, шу йил 10 июль сешанба куни меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бешинчи чақириқ тўққизинчи сессияси бўлади.

Сессия соат 8 да Горький номидаги шаҳар болалар паркининг ёзги кино театр биносида очилади.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

КИНО ВА ТЕАТРЛАРДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/VII да **Ромео ва Жульетта**, 11/VII да **Гулсара**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/VII да **Азиз ва Санам** (100-спектакль), 11/VII да **Тоҳир ва Зуҳра**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА»—кундуз ва кечқурун янги фильм-спектакль **Бўлмаган нарсадан бир талай говга**, кеч соат 10 да **Жюльета**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Бўлмаган нарсадан бир талай говга**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Ажойиб саёҳат**, кундуз ва кечқурун **Бўлмаган нарсадан бир талай говга**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Бўлмаган нарсадан бир талай говга**, кеч соат 10 да **Байжу Баврa**.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «ИСКРА» — **Илк севинчлар**.

«ХИВА», «УДАРНИК» — **Бўлмаган нарсадан бир талай говга**.

«ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Дайди** (1 ва 2-серия).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03896. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1474.